14 0296

Президентга мактуб

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ҳурматли жаноб Президент!

Саноатнинг барча асосий тармоқларини қамраб оладиган конверсия лойиҳалари бўйича Америка — Ўзбекистон қўшма комиссияси тузилгани муносабати билан яқинда йўллаган мактубингиз учун Сиздан миннатдорман.

Ривожланаётган муносабатларимизга кўмаклашиш мақсадида мен ҳозиргина бизнинг икки томонлама сармоя шартномамизни ратификация қилиш учун сенатга топширдим. Халқларимиз ўртасидаги тез суръатларда кенгайиб бораётган савдо алоқаларини ва сармояларни қўллаб-қувватлаш борасида қўйилаётган бу қадамлар ва бизнинг давом этаётган биргаликдаги ҳаракатларимиз икки томонлама алоқаларни чуқурлаштириш учун мустаҳкам замин яратади.

Қўшни мамлакатлар билан тинч-тотув ва Қўшма Штатлар билан мустаҳкам алоқада бўлган мустақил, барқарор ва гуллаб-яшнаган давлат барпо этиш йўлида собитқадамлигингиз мени жуда руҳлантирмоқда. Мамлакатларимиз мустаҳкам икки томонлама муносабатлар ўрнатиш, минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодий тараққиёт мақсадида биргаликда ишлай олишига ишонаман. Демократик бошқарувга ва сўз эркинлигига биргаликда амал қилиш ҳам бизнинг икки томонлама алоқаларимизни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мен ҳамон Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари ўртасида эркин савдонинг ривожига кўмаклашиш, Тожикистонда тинчликни ўрнатиш, наркотик моддалар савдоси ва экология вазиятининг ёмонлашуви каби муҳим давлатлараро муаммоларни ҳал этишнинг воситаси бўлган минтақавий ҳамкорлик тизимини барпо этишда ҳал қилувчи урин тута олади, деган фикрдаман. Ўзбекистоннинг жойлашуви шундайки, у минтақангизда ҳамкорлик учун мустаҳкам замин яратишга кўмаклаша олади. Бу ишни хусусан, суверенликка, мустақилликка ҳурматни ва барча давлатларнинг хавфсизлигини қўллаб-қувватлаш воситасида амалга ошириш мумкин.

Юқорида қайд этилган жиҳатлар ҳам Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувига ёрдам беради. Мен Сизнинг Марказий Осиё тинчликни таъминлаш кучларини шакллантириш ва Ўзбекистоннинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури ҳамда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти доирасида фаол ҳаракат қилиш йўлидаги интилишларингизни қўллаб-қувватлаш мақсадида биргаликда ишлашдан умидворман.

Мен Президентнинг махсус маслаҳатчиси Блекер, элчи Коллинз, мудофаа вазири ўринбосари Картер ва элчи-маслаҳатчи Морнингстар мамлакатингизга бораётганидан хурсандман. Аминманки, уларнинг ташрифи бизнинг кенгайиб бораётган ўзаро муносабатларимизни янада мустаҳкамлаш учун имконият яратади.

Менинг эзгу тилакларимни, шунингдек, қадимий Наврўз байрами нишонланиши арафасида йўллаётган шахсий қутловимни қабул этгайсиз.

Ҳурмат билан,

Билл КЛИНТОН,
Америка Қўшма Штатлари Президенти.
Вашингтон, Оқ уй, 1996 йил 4 март.

Муносабат

РАҚАМЛАР СЎРОҚҚА ТУТАДИ

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш масаласида бир омил бор — у ҳам бўлса қишлоқ хўжалиги билан шуғулланаётган ходимлар сонини камайтириб, уларни пулли хизмат жабҳаларига йўналтириш. Юртбошимиз бу сиёсатнинг нақадар асосли эканлигини жаҳондаги энг синалган тажрибалар мисолида тушунтириб келяптилар. Голландия, Германия, Япония — хуллас, Ер куррасининг ривожланган барча мамлакатларида замин билан ишлаётган одамлар меҳнатга яроқли аҳолининг 5-8 фоизини ташкил этади, холос.

Бизда эса бунинг акси эканлиги муттасил уқтирилмоқда.

29 февраль куни республика Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 1995 йилги якунлари ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида жорий йилдаги вазифаларга бағишланган йиғилишда Президентимиз бу масалани ниҳоятда ҳаётий ва содда мисолда тушунтириб бердилар. Олайлик, бир хўжалик. Ўн йил муқаддам экин майдони 500 гектар бўлган. Ҳозир ҳам шунча ерда (агар камаймаган бўлса) деҳқончилик қилинади. Худди шу ерга кўз тиккан, ундан бола-чақамни боқаман, деган аҳоли сони ўзгармадими? Албатта, бир неча баравар кўпайди! Юртбошимиз ҳокимлар, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги раҳбарлари олдига шу икки рақамни аниқлаш вазифасини қўйдилар. Экин майдони ва аҳоли сонини ифодаловчи рақамлар ёнига катта сўроқ белгисини қўйиш жоиздир. Бу «Нега аҳолини иш билан таъминлаш учун янги хизмат жойлари яратилмади?» деган маънони бериши керак. Аслида ислоҳотнинг туб илдизи мана шу. Бу вазифани бутун вужуди билан англамаган, унинг ечими учун аниқ амалий иш қилмаётган раҳбарлар масъул лавозимни эгаллаб туришга ҳаққи йўқ. Газетамиз бундан буён иқтисодий ислоҳотлар мавзуидаги чиқишларида ана шу икки рақамни аниқлаш, уларни туманлар ва хўжаликлар миқёсида таҳлил қилишни режалаштирди. Бу вазифаларни виждонан адо этаётган жамоалар тажрибаси муфассал ёритилса, ҳамон эскилик заминига ёпишиб олган ходимлар аёвсиз фош қилинади. Зотан, ислоҳот масъулияти ҳаммамизни шунга даъват этади.

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
«Ўзбекистон овози» шарҳловчиси.

Ватанни севмак иймондандир!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 12 март, сешанба № 31 (21.952).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 8 март куни Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) демократик муассасалар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директори, элчи Одри Гловер хонимни қабул қилди.

СУРАТДА: қабул пайти.

А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан ЕХҲТ ўртасидаги алоқалар изчил ривож топаётганини таъкидлади. Жумладан, ўзаро ҳамкорлик борасида талай ҳужжатлар имзоланганги, республикамиз ушбу нуфузли ташкилотнинг кўплаб халқаро тадбирларида қатнашаётгани ҳамда Тошкентда ЕХҲТнинг минтақавий бюроси фаолият кўрсатаётганини қайд этди.

— Биз ЕХҲТнинг демократик муассасалар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси билан кенг ҳамкорлик қилишдан манфаатдормиз, — деди Президент Ислом Каримов. — Зеро, бугун Ўзбекистонда сиёсий ва ижтимоий ислоҳотлар кенг миқёсда амалга оширилмоқда ва бунда ЕХҲТнинг тажрибаси қўл келиши шубҳасиз.

Одри Гловер ўзи раҳбарлик қилаётган делегация аъзолари Ўзбекистонга ташрифи мобайнида инсон ҳуқуқлари масаласи билан шуғулланувчи ташкилотлар ва муассасалар фаолияти билан танишгани ҳамда ЕХҲТ бюроси бу борадаги ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр эканини айтди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистондаги сиёсий ва ижтимоий ислоҳотлар жараёнида демократик муассасаларнинг фаолияти билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Содиқ Сафоев, ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

(ЎзА).

РОССИЯ ЭЛЧИСИ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ф. Сидорский, унинг илтимосига биноан, қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП МК биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов, самимий вазиятда ўтган суҳбатда, элчига Халқ демократик партияси ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов бошчилигида амалга оширилаётган ислоҳотлардаги иштироки, уларнинг Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллигига тайёргарлик бўйича ишлари, ХДПнинг мамлакат Олий Мажлисидаги фракцияси фаолияти ҳақида сўзлаб берди.

Элчи самимий қабул учун миннатдорчилик билдириб, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик, ўзаро манфаатдорлик асосида, ривожланаётганлигини, уни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш учун барча омиллар ҳамда имкониятлар борлигини таъкидлаб ўтди.

Суҳбатда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиблари Ҳ. Авезов ва И. Кочмарик ҳозир бўлдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

Мулкдор билан мулоқот

Шўрчида «миш-миш» тарқалди: «Ораз-тадбиркор самолёт сотиб олармиш». Буни эшитиб кўплар ёқа ушлади, яна кимдир «отасига балли-е» деб қўйди. Аслида эса, бу ҳақиқат.

Шаҳардаги «Олтиной» кичик корхонаси директори Ораз Какабоев шахсий самолёт сотиб олмоқчи. Тўғри, шаҳарда тадбиркору ишбилармонлар кўп. Улар ҳам нафақат вилоятнинг, балки мустақил Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши учун ҳалол меҳнат қилишяпти, елиб-югуришяпти. Лекин О. Какабоевга тенг келадигани топилмаса керак. Нега энди?..

1993 йилда ташкил этилган бу корхона ўтган қисқа вақт ичида шаҳар марказида элликка яқин кичик дўкон қурди. Қўйчилик, паррандачилик, қуёнчилик фермаларига асос солинди. Уч йил давомида қўйлар туёқ сони 500 дан ошиб кетди. Уч минг бош парранда, мингдан ортиқ қуён бор.

Марказдаги энг катта «Универмаг» хусусийлаштирилди. «Толли» жамоа хўжалигидаги юзўринга мўлжалланган икки қаватли ресторанни ишлай бошлаганига ҳам анча бўлди. Ўттиз сотих ерда экилган лимон ҳосил бера бошлади...

— Самолёт сотиб олмоқчи эканлигимни эшитиб кўплар кулиши табиий, — дея гап бошлади директор. — Тўғри, айримлар мени мақтанчоқликка йўйишлари мумкин. Лекин мақсадим битта— шахсий самолётим билан Маккаи Мунавварани зиёрат қилиш. Мен нимага асосланиб бундай деяпман? Аввало, «Олтиной»ни ташкил этганимиздан буён 41 миллион сўмдан ортиқ қурилиш ишларини бажардик. 1995 йилда эса шаҳар стадионига тўташ майдонда 5,5 миллион сўм сарфлаб, беш минг кишига мўлжалланган теннис корти қурилишини бошладик. Насиб этса, мустақилликнинг беш йиллиги байрамигача бу кортни ишга туширамиз. Бундан ташқари МДҲ мамлакатларидан ўн миллон сўмдан ортиқ маҳсулот олиб келгандик. Уларнинг асосий қисмини дўконларимизга тарқатдик. Ҳозирги кунда «Универмаг» ва бошқа дўконларимизда 42 миллион сўмдан ортиқ маҳсулот бор.

Халқимизда: «Олтин олма, дуо ол», деган ажойиб нақл бор. Шунга амал қилган ҳолда маҳсулотимизнинг бир қисмини қаровчисини йўқотган, но-

«ОЛТИНОЙ»

гирон ва нафақахўрлардан эллик нафар кишига тарқатдик.

— Кичик корхонамизга қарашли ферма атрофида 10 минг туп терак

САМОЛЁТ

қаламчалари экдик, — дея давом этди Ораз ака. — Ахир, ота-боболаримиз Самарқанд, Хева, Бухорони бунёд этишда ўзимизнинг ёғочдан

СОТИБ

фойдаланишган-ку. Наҳотки энди бу анъаналар давом этмаса. Ахир, биз қачонгача бировлардан ёрдам кутамиз? Тўрт-беш йил ўтгач, қурилиш

ОЛМОҚЧИ...

материаллари ҳам ўзимиздан чиқади. Чунки, ҳозирданоқ бунга пойдевор қўйилган.

Икки йилдирки, корхона шаҳардаги 150 болани кийим-бош ва озиқ-овқат билан таъминламоқда. Уларни ўз оталигига олган. Иқтисодий қийинчиликлар даврида ҳар ким ҳам бунинг уддасидан чиқолмайди. Тан олиш керак: рўзғор—ғор, деганларидек ўрни келганда ўз рўзғоримизда ҳам етишмовчиликлар бўлиб туради. Бундай ҳомийлик эса фақат тадбиркор, ишнинг кўзини биладиган инсоннинггина қўлидан келадиган юмушдир.

— Мен тадбиркорни мевали дарахтга қиёс қиламан, — давом этди у. — Дарахт қуёш нуридан, заминдан, она-тупроқдан ўзига керакли баҳрани олади, ривожланади. Вақти-соати етгач, ҳосил беради, чор-атрофдагиларни ўзининг хуштаъм меваси билан баҳраманд этади. Лекин биз унинг қадрига етмасак-чи? Ҳосили пишмасдан шохларини синдирсак, мевасини исроф қилсак-чи, унда нима бўлади? Бу билан нима демоқчиман: мустақиллик шарофати ила, қолаверса, муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан ҳозирги кунда мамлакатимизда қирқ мингга яқин ишбилармон, кўплаб кичик ва қўшма корхона бор. Муваффақият бор жойда албатта камчилик ҳам бўлади. Камчиликларсиз муваффақиятга эришиш мумкин эмас. Буни ҳеч ким рад этолмайди.

Мени бир муаммо кўпдан бери қийнайди. Ҳозир нима кўп текширувчилар кўп. Ҳали таъкидлаганимдек, бизда ҳам камчиликлар бўлиши мумкин. Лекин бугун «налог», эртага «санэпидстанция», индинга «биржа», ундан кейин яна қайсидир ташкилот келиб текшираверса, жонинг ҳалқумингга келаркан. Ишлагани қўйишмайди. Ҳафталаб, ойлаб текширишади. Йўқ нарсадан, «тирноқ ичи» дан кир қидиришади. Вақтинг кетди, нақдинг кетди, дейдилар. Шундай экан, «текшир-текшир»ларни ҳам камайтирадиган вақт келмадимикин?

Юзга яқин киши меҳнат қилаётган бу корхонада бир-бирини қўллаб-қувватлаб, узларининг яхши маслаҳатлари билан бошқаларга намуна бўлаётган И. Аннақулов, Э. Бердиев, Р. Ражабов, П. Тошбоев Г. Исроилова каби илғор ишчиларни кўплаб учратиш мумкин.

— Биласизми, юртимиздаги бугунги тинчликнинг қадрига етишимиз керак, — деди Ораз Какабоев суҳбат сўнггида. — Ниятим эса холис— йигирма биринчи аср бошлангунча, албатта, Маккаи Мунавварани шахсий самолётимда зиёрат қилиш.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Мустабидлик асоратлари

КОММУНИСТЛАР КЎЧАСИ ҚАЕРДА?

Жиззах вилояти. Мирзачўл тумани маркази жаҳоннинг биринчи фазогири Юрий Гагарин номи билан юритилади. Шаҳарнинг қоқ ўртасида қаҳрамонга салобатли ҳайкал ўрнатилиб, гавжум кўчалардан бирига номи берилган. Шаҳар бўйлаб айланасиз. Яна фазогирлар Леонов, Шаталов ва Комаровлар номлари қўйилган кўчалардан ўтасиз. Шунда беихтиёр кўнглингиздан бир шаҳарчага бир фазогир етарли эмасмикан, бу жойлар чўлни ўзлаштирган қаҳрамонлар номлари билан аталса бўлмасмиди, деган ўй кечади. Ва бу саволларга жавоб олмоқ учун туман ҳокимлиги идорасига йўл оласиз.

Ҳокимликнинг қаердалигини биласизми? Унда билиб қўйинг — Коммунистлар кўчасида! Кўчанинг чап томонидаги икки қаватли турар жой деворига «Ул. Коммунистическая» ёзуви катта ҳарфлар билан битилган.

Ҳокимликка ҳар куни ҳамма жойдан меҳмонлар келиб-кетади. Лекин идора эшиги олдидан кўриниб турадиган «Коммунистическая»га ҳеч ким эътибор бермайди. Агар шу кўча бўйлаб юрсангиз, ҳокимлик идорасидан сал наридаги пойабзал устахонаси пештоқига «Ремонт обуви», китоб дўконига «Книги» деб ёзиб қўйилганига кўзингиз тушади. Кўчани айланиб ўтиб марказий ўйингоҳга кирсангиз «Спорт — помошник в труде и жизнь» ёзувини ўқийсиз.

Агар Гагарин шаҳридан чиқиб 30 чақирим наридаги Фориш туманига қарашли «Туркистон» ижара ширкатлари уюшмасига боргудек бўлсангиз, янада қизиқроқ манзарага дуч келасиз. Уюшмага кираверишда дастлаб «Туркистан» деган ёзувни ўқийсиз. Бироз юрганингиздан сўнг йўл ёқасидаги бетон ариқларга «КПСС XXVI съезди қарорларини амалга оширамиз» деган қизил шиор кўнглингизни хира қилади...

Тўғри, бу ёзувлар эскидан қолиб кетган. Аммо бугун кечаги замон эмас-ку! Ахир беш йил бўлаётир озодликнинг тоза ҳаволарида эркин нафас олаётганимизга.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БОЛЬШЕВИЗМ БАЛОСИ

Сирдарё вилояти. Мирзачўлда энг йирик об-ҳаёт йўли дастлаб 1913 йилда ишга туширилган. Ўшанда уни маҳаллий халқ Киназарик (Князарик) деб атарди. Чунки унинг княз Романовлар томонидан қурила бошлангани кўпчиликка маълум.

Бош ўзани Бекобод билан Хўжанд ўртасидаги жойдан бошланадиган бу йирик сув иншооти 1918 йилга келиб Шимолий Мирзачўл канали деб атала бошланди. 1934 йилда эса большевистик партиянинг йирик намояндаларидан бири бўлмиш Сергей Киров номи берилди. Деярли 62 йилдирки, жами узунлиги 114 км.га чўзилган икки қўшни республика, тўрт вилоят экинзорларини сув билан таъминлаётган, республикамиздаги йирик иншоотлардан бири ҳисобланган бу канал ҳамон «Киров канали» деб келинади.

Барибир савол туғилади: хўш, Киров ўзи ким? Умуман, Ўзбекистонга унинг қандай дахли бор?

Фақат бугина эмас, Гулистон шаҳрининг кўзга кўринган оромгоҳларидан бири истироҳат боғига туташ чўмилиш ҳавзаси оралиғида ҳам Кировнинг каттакон бюсти ҳамон савлат тўкиб турибди.

Буям ҳолва. Қолганини эшитинг. Гулистон шаҳрида Навоий номида катта кўча бор. Бу шаҳарнинг катта бозоридан бошланиб, ҳали биз юқорида тилга олган Киров бюстига, у ёғи Киров номли каналга бориб уланади. Ана шу бозорнинг ёнгинасида — Навоий шоҳ кўчасининг ўнг томонида қизил мармардан ясалган... Ленининг бюсти турибди. Атрофлари мармар супачалар билан безаб қўйилган. Унинг 1927 йилда ўрнатилгани ҳам ёзиб қўйилган.

Билмадик, мутасаддилар қаердан топшириқ кутишяпти. Наҳотки, большевизмга сиғиниш касаллигидан қутулганимизни ҳам эслатиш керак бўлса?!

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИККИ ЮЗЛИ ИДОРАЛАР

Фарғона вилояти. Фарғона шаҳри кўчаларини айлансангиз дилингиз яйрайди. Кейинги уч-тўрт йил ичида шаҳарни ободонлаштириш борасида катта ишлар амалга оширилди. Жумладан, тоталитар тузумни мадҳ этувчи рамзлар, большевистик чақириқлар ўрнига янги, истиқлол ва халқимизни улуғлайдиган шиорлар, рангли паннолар, ёдгорликлар ўрнатилди. Аммо...

Гуруч орасидан чиқиб тишни ёрадиган тошдай шу соҳада ҳам гашга тегувчи нуқсонлар учраб қолади. Айрим кўчаларда эски номлар сақланиб қолган. Айтайлик, Авлиёхон Муҳаммадиев номидаги кўчадан юрсангиз бунда «Авлиёхон Муҳаммадиев кўчаси» деб битилган тахтачаларни кўрасиз. Аммо шу билан бир қаторда кимнингдир эътиборсизлиги туфайли шу кўчанинг нариги тарафида «Луначарский» деб ёзилган тахтачаларниям учратасиз. Хуллас, қайси кўчада кетаётганлигингизни билмай қоласиз. Хўжанд кўчасининг бир томонида жонажон Ўзбекистонимиз ва унинг Қуролли кучларини улуғловчи шиорлар. Иккинчи томонида эса Қизил Армия тимсоли бўлмиш юлдузлар белгиси. Шаҳар марказидаги Алишер Навоий номли кўчанинг 29-уйида жойлашган идора остонасига қадам қўйган киши бехосдан довдираб қолади. Чунки, бу тўрт қаватли муҳташам бино эшигининг бир тарафида «Ўзбекистон Республикаси Фарғона шаҳар ҳокимияти қошидаги меъморчилик ва шаҳарсозлик бошқармаси» деб ёзилган бўлса, эшикнинг ўнг тарафидаги катта вивесканинг бошида, собиқ Ўзбекистон ССРнинг герби, тагида эса «Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлиги», «Узгипросельстрой лойиҳа институти Фарғона филиали» дея ёзилган. Хўш, қайси идорага кираётганини ёки бўлмаса қайси замонда яшаётганлигини билмай қолиш мумкинми бунда?

Шунингдек, шаҳардаги айрим биноларнинг ички тарафларида большевистик мафкура даҳосининг суратлари ҳалиям сақланиб қолган. Ҳурмат тахталари ва бошқа кўринишлар мавжуд. Албатта, булар жиддий камчиликлар. Вилоят марказидаки шундай бўлса, чекка шаҳарлар, туманлар марказлари, қишлоқларда аҳвол қандай экан?

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗИНИ-ЎЗИ БОШҚАРИШНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ЙЎЛИ

Мустақиллик асослари

Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш ҳар қандай демократик мамлакатда халқ ҳокимиятининг муҳим ва ажралмас қисми ҳисобланади. Бу восита орқали аҳоли давлат ва жамият ишларида фаол ва бевосита иштирок этиб, ўз манфаатларини, хоҳиш-иродасини тўлароқ ифода эта олади.

Маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришнинг тизими, унинг элементлари, давлат органлари билан муносабати турли мамлакатларда турлича ташкил қилинган.

Ўзбекистон Республикаси мустақил тараққиёт йўлига киргач, миллий давлатчилик анъаналарига, қадриятларига мос келувчи ва халқнинг хоҳиш-иродасини тўла акс эттира олувчи ўзини-ўзи бошқариш органлари тизимини барпо этишни асосий мақсад қилиб қўйди.

Бунда хорижий мамлакатларнинг эътиборли тажрибалари чуқур ўрганилди ва юртимиз шароити эътиборга олинди. Натижада Ўзбекистонга хос ва мос ўзини-ўзи бошқариш органлари вужудга келди. Бу фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари Конституциянинг 105-моддасига асосан фуқароларнинг йиғинлари ҳисобланади. Улар шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳалларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фаолият кўрсатиб, икки ярим йил муддатга раис (оқсоқол)ни ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди. Шундай қилиб фуқаролар йиғини маълум муддатда тўпланиб иш юритадиган ўзини-ўзи бошқариш воситаси бўлса, раис, унинг маслаҳатчилари доимий фаолият кўрсатувчи тузилмадир.

Конституциянинг шу моддаси ҳолатидан кўриниб турибдики, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари давлат органлари тизимидан ажратилган ва алоҳида турдаги ҳокимиятни амалга оширувчи органдир.

Ўзбекистон ўзини-ўзи бошқариш органлари тизимини давлат органлари тизимидан алоҳида белгилаш билан бирга унинг фаолияти ва бошқа томонларига мутлақо янгича жиҳатларни киритди. Жумладан, деярли барча мамлакатларда (Россия, Туркманистон, Франция, Германия ва ҳоказо) бу институт **маҳаллий ўзини-ўзи** бошқариш деб аталса, Ўзбекистон уни **фуқароларнинг ўзини-ўзи** бошқариши деб атади. Бу шунчаки номни бошқача ифодалаш эмас, масаланинг моҳиятини белгилаб берувчи ҳолатдир. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришга нисбатан, фуқароларнинг ўзини бошқариш сўзи ўзини-ўзи бошқаришнинг мустақил демократик институт сифатида тўлароқ кўрсатади. Сабаби маҳаллий бошқарув фақат ўзини-ўзи бошқарув орқали эмас, давлат органлари орқали ҳам амалга оширилади. Яъни, маҳаллий бошқарувда давлат органлари ҳам иштирок этади. Туркманистон Конституцияси асосида иш юритувчи вилоят ва шаҳар ҳокимлари ҳам маҳаллий бошқарувда иштирок этади, бошқа мамлакатларда ҳам шундай. Ўзбекистоннинг мисолида кўрсак ҳам халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимлар маҳаллий бошқарувда иштирок этади, уларнинг асосий вазифаси ҳам маҳаллий давлат бошқарувини амалга оширишдир.

Ўзини-ўзи бошқариш органлари давлат органлари назоратида иш юритади. Бу назорат шакллари, усуллари «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунда аниқ белгиланган. Бу қонун Конституция нормасини ҳаётга тадбиқ қилиш, ўзини-ўзи бошқариш органларининг ташкил бўлиши фаолияти, ваколатлари, давлат органлари билан муносабатларини тартибга солади.

Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини аниқ бир хил поғонада — маҳаллаларда, қишлоқ ва шаҳарча ва улардаги маҳаллаларда тузилиши ва бир хилда номлар билан аталиши, бу органларнинг Ўзбекистоннинг сиёсий тизимида ўзини муносиб ўрнини топишга, бозор муносабатларига асосланган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг биринчи даврида ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этишига сабаб бўлди. Албатта шаҳар маҳаллаларида тузиладиган ўзини-ўзи бошқариш органларининг, қишлоқ ва шаҳарчаларда тузиладиган ўзини-ўзи бошқариш органлари ваколатларидан фарқи бор.

Ўзини-ўзи бошқариш органларини ташкил қилишда, шакллантиришда, Ўзбекистоннинг энг катта ютуғи бу масалани ҳал этишда миллий анъаналарни, қадриятларни тиклаш, аҳолининг туб манфаатларига мос келувчи йўлни танлаш нуқтаи назаридан ёндашиш бўлди. **Яъни ўзини-ўзи бошқаришда бошқаришнинг асосий таянчи қилиб маҳаллалар белгиланди.**

Ўзбекистон маҳаллалари каби кучли, самарали ва таъсирчан восита бошқа мамлакатларда йўқ. У узоқ даврлардан ижтимоий ҳаётда беқиёс ўринга эга бўлиб келган. Инсон қалбида Ватан туйғусининг шаклланишида, миллий ғурурнинг вужудга келишида, миллатчилик иллатларидан холи бўлишида катта таъсир кўрсатган «Ватан нимадан бошланади?» деган саволга иккиланмай «маҳалладан», деб жавоб бериш мумкин.

Маҳаллалардаги муҳит орқали жамоат фикрини аниқласа бўлади, шунинг учун айтиш мумкинки, **маҳалла орқали жамоат фикрини билиш — жамоат фикрини билишнинг Ўзбекистонга хос хусусиятидир.** Бу эса умум эътироф этилган демократия йўлларига Ўзбекистоннинг қўшган ҳиссаси бўлиб, натижада демократия янги хислатлар билан бойимоқда.

Маҳаллаларда яшовчи кишилар қандай миллатга мансуб бўлишидан қатъий назар, уларда ўзбек миллий урф-одатларига, тилига ҳурмат кучли бўлган. Ўз навбатида маҳалладаги бошқа миллат вакиллари урф-одатлари ҳурмат қилинган, улар ҳеч бир ишда ажратилмаган. Тўй ва бошқа маъракаларда маҳалла аъзолари тенг иштирок этган. Яъни миллий, диний ажратишларга йўл қўйилмаган. Бундай ҳоллар рўй берса у маҳалла аҳли, фаоллар томонидан қораланган.

Ана шуларнинг ҳаммаси эътиборга олиниб, Ўзбекистоннинг келажагида, маҳаллалар катта роль ўйнаши мумкинлиги ҳақида бирдан-бир тўғри хулоса қилинди ва маҳалла ўзини-ўзи бошқаришнинг таянчи сифатида белгиланди.

Ўзбекистонда амалга оширалаётган иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақияти демократик жараёнларни ривожлантириш имкониятини кучайтирмоқда, бу эса асосий мақсад — фуқаролик жамиятини қуриш имкониятини оширади. «Биз ислоҳотларни чуқурлаштириш, демократик туб ўзгаришлар йўлидан олға силжиш, ҳаётимизда асл демократик қадриятлар қарор топаётгани тўғрисида гапирганда, аввало, фуқаролик жамияти асосларига ўтиш, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш муассасаларини бутун чоралар билан кенгайтиришни назарда тутамиз. Бу барча ислоҳотларимизнинг асосий моҳияти ва бош мантиқидир» — деб таъкидланди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессиясида.

Маҳалла Ўзбекистонга хос, давлат билан фуқароларни боғловчи муҳим кўприкдир. Унинг фаолияти натижасида давлат билан фуқаролар ўртасида алоҳида муносабатлар вужудга келади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси худудида кўплаб маҳаллалар фаолият кўрсатмоқда, биргина Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида 52 та маҳалла мавжуд бўлиб, уларда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолият кўрсатмоқда.

Ўзини-ўзи бошқариш органлари ва маҳаллаларнинг муҳим вазифаларидан яна бири кам, таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишда иштирок этиш ва бу билан бозор муносабатларига ўтиш даврида табиий равишда вужудга келадиган зарбалардан аҳолини муҳофаза қилишдир.

Маҳаллалар ўзларининг жамғармалари, давлат томонидан ажратилган маблағлар ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳисобига, ёрдамга муҳтож аҳолига катта кўмак кўрсатмоқда. Ҳозирги кунга келиб маҳаллаларда истиқомат қилувчи 12000 оилага маҳалла орқали ижтимоий ёрдам кўрсатилди. 1994 йилда «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқарувининг ўзи 200 га яқин шахс ва оилага 41 минг 189 сўмлик ёрдам кўрсатган.

Маҳаллаларнинг яна бир муҳим хизмати, бозор муносабати шаклланиши жараёнида табиий равишда вужудга келадиган ишсизликни камайтириш, аҳолини иш билан таъминлаш учун қўшимча чора-тадбирлар белгилашдир. Бу соҳада маҳаллаларда катта ишлар амалга оширилмоқда, бу вазифани бажариш учун янги йўллар ишлаб топилмоқда. Шу мақсадда, фақат Ўзбекистонга хос бўлган ва айнан маҳалла билан боғлиқ «Корхона-маҳалла» иқтисодий ҳудудни ташкил қилиш масаласига катта умид қилинмоқда. 1995 йил давомида Республика бўйича шу турдаги 204 та кичик ва хусусий корхона ташкил қилиниб, уларнинг фаолияти орқали 3300 киши иш билан таъминланган.

Амалда фойдали меҳнат билан шуғулланувчиларнинг ишсизларга нисбатан ҳуқуқ-тартиботга ҳурмат билан қараши кучлироқ бўлади. Ҳозирги ғала-ғовур даврда Ўзбекистондаги барқарорлик, тинчлик-осойишталик, ҳамжиҳатлик ва миллий тотувлик натижасида инсоннинг энг муқаддас ҳуқуқи — яшаш ҳуқуқи таъминланганлиги давлатнинг олиб бораётган тўғри сиёсати натижаси бўлса, бунда маҳаллаларнинг ҳам сезиларли ўрни бор. **Чунки тинчлик-тотувлик, ҳамжиҳатлик миллий тараққиётимиз, урф-одатимиз мероси бўлиб, унинг рўёбга чиқишида маҳалла асосий маскандир.**

Ўзини-ўзи бошқариш органларининг шаклланиши, фаолияти қирралари жуда кенг бўлиб, улар ҳали чуқур ва кенг доирадаги изланишлар қилиш заруратини келтириб чиқаради.

Озод ҲУСАНОВ,
юридик фанлари доктори,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси кафедра мудири.

Мулоҳаза

ОБ-ҲАЁТ МАНБАИ ЎРМОН ЭМАСМИ?

Бироқ унга эътибор талаб даражасида эмас

Қуруқ иқлимли мамлакатимизда ўрмонлар жуда кам — 10 миллион гектарни эгаллаган тоғларимизнинг 4 миллион гектаридагина ўрмонлар мавжуд. Уларнинг аҳамияти ҳақида кўп гапирилган. Дунёдаги миллион-миллион инсон ва жониворларнинг ҳаёт манбаи асосан ўрмондир. Мамлакатимизни таъминловчи сувнинг 94 фоизи тоғ ўрмонлари бағрида тўпланиши ҳам бу фикрни исботлаб турибди. Агар тоғларимизнинг ҳеч бўлмаса ярми ўрмонзор бўлганда эди, сувларимиз икки баравар кўпаярди! Демак, Орол суви ҳам икки марта ортар эди.

Кўплаб тоғларимиз тошлардан иборат бўлиб, дарахт ва буталарнинг ўсиши қийин. Бунга ҳам инсоннинг ўзи айбдор. Аввалари дарахт ҳамда буталарни аёвсиз кесиш улар юзасидаги тупроқнинг ювилиб кетишига олиб келган. Қолган-қутган дарахт, буталарни эса мол ва эчки подалари кемириб ташламоқда.

Ўзбекистон «Қизил китоби»га киритилган дарахт ва буталар илгари катта-катта майдонларни қоплаб ётган бўлса, ҳозир одам бориши қийин жойлардагина сақланиб қолган. Кавказ хурмоси, уноби, жийда, ёввойи анжир, ток, анор шулар жумласидандир.

Хурмо — баландлиги 20 метргача етадиган бақувват дарахт. У қурилиш ашёси ва ўтин учун кўплаб кесиб юборилди. Майда кўчатлари эса пайвандлаш учун кўчириб кетиляпти.

Уноби ва чилон жийда ҳам тобора камайиб бормоқда. Ваҳоланки, улар меваси қон босимини камайтиради, бош ҳамда юрак оғриғига даво. Унобининг ҳатто барги ҳам шифобахш. Ундан «Унобин» дорисси тайёрланади. Жийда заҳиралари, айниқса, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида ниҳоятда оз қолди. Ёмон томони шундаки, жийда уруғидан яхши кўкармайди. Ҳамюртларимиз «Боғингда зараркунанда ҳашаротлар кўпаймаслиги учун ҳеч бўлмаганда бир туп уноби ўстир» деган қадимий гапни эслаб иш тутишлари лозим.

Ёввойи анор республикамизда энг ноёб бўлиб қолган дарахтлар қаторига киради. У Ҳисор тоғи ва Ғарбий Тянь-Шань дараларида денгиз сатҳидан 1,5 километр баландликда сақланиб қолган, холос.

Ёввойи токни Ҳисор тоғи, Ангрен дарёси соҳиллари, Тошкент ва Сурхондарё вилоятларида учратиш мумкин. Аммо у ҳам кундан-кунга ташвишли аҳволга тушиб боряпти.

Ўрмонларнинг 2 миллион гектардан ортиғи вақтинча фойдаланиш учун қишлоқ хўжалик ташкилотларига берилганди. Бу ерда, айниқса, ёнғоқзор, мевали буталар тақдири хатарли. Табиий ҳолда ўсаётган ёнғоқ, писта, чинор, арча, ноклар муҳофаза остига олинмаган.

Воҳада ерларни ўзлаштириш мақсадида дарахтлар қийратилмоқда. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ўрмонларни тиклаш учун катта ишлар олиб борди. Жумладан, йилига 40 минг гектарлаб майдонларга кўчатлар экилди. Бироқ тоғ ўрмонига хос кўчатларнинг тутиб кетиши ғоятда қийинлиги туфайли яхши натижага эришиб бўлмади...

Ўрмонларимизнинг жуда кам қисми, яъни ярмига яқинигина дарахт ва буталар билан қопланган. Бу кўрсаткич Қашқадарё вилоятида 7, Сурхондарёда 5, Бухоро ва Навоий вилоятларида эса бор-йўғи 4 фоиз. Бошқача айтганда, номи ўрмон бўлгани билан ўзи яп-яланг.

Таққослаш учун айрим мамлакатлар ўрмонлари аҳволини олиб кўриш мумкин. Масалан, Хитойда ўрмонларнинг 99, Францияда 92, Ҳиндистонда 69, АҚШда 66 фоизи ўсимликлар билан қопланган.

Тоғолди ҳамда ярим чўл майдонлари ўйламай шудгорлаш, саксовул, арча ва бошқа дарахтларни кесиш, шуноқ, сингрен партек ўсимликларини узлуксиз ўриб олавериш натижасида яйловлар 50-йиллардагига нисбатан 6,5 миллион гектарга қисқариб кетди.

Шу муносабат билан ҳукуматимиз ўрмон майдонларидан узоқ муддат фойдаланишни бекор қилди. Суғориладиган камунум майдонларда 90 минг гектарга терак, 800 гектарга элдорада қарағайи, 500 гектарга ёнғоқ экиш тўғрисида қарор чиқди.

Ўз ризқ-рўзимизни қиймаслик мақсадида беқиёс бойлигимиз бўлмиш ўрмонларни авайлаб-асраш муқаддас бурчимиздир. Бунинг учун довдарахт, буталарни кесиш, моллар пайҳон қилиб, синдиришига, кемиришига йўл қўймаслик, зараркунандаларга қарши курашиш зарур. Тоғли қишлоқларни тезроқ газлаштириш ҳам дарахтларнинг ўтинга кесилишини камайтиради.

Тоғнинг кескин иқлими, сув турмас тик қияликлар, тупроқнинг унумсизлиги каби оғир шароитда дарахт ва буталарнинг кўпайиши ниҳоятда қийин. Устига-устак инсон томонидан зиён етказилиши уларнинг қирилиб битишига олиб келмайдими?

Шундай экан, ўрмонларимизни тиклаб, уларни иложи борича кўпайтиришимиз шарт. Улар ҳаётимиз манбаи. Ҳар йили Наврўз байрамларида ўрмонларни тиклаш мақсадида халқ ҳашари ўтказилса, айни муддао бўлур эди. Зеро, юқоридаги далилларни мулоҳаза қилиб кўрсак, Орол денгизини тўлдиришнинг калитларидан бири ҳам тоғлардаги ўрмонларимиз эмасми ахир!

Ориф ФАРМОН.

Туркистон — умумий уйимиз

БИРОДАРЛИГИМИЗ ЧЕГАРА БИЛМАЙДИ

Қадимдан қондош ва жондош бўлиб келган туркий халқлар дўстлиги олис тарихга бориб тақалади. Азалий биродарлигимиз чегара билмайди. Динимиз, тилимиз, урф-одатимиз, қадриятларимизнинг ўхшашлиги гапларимнинг исботидир.

Туркий халқларни бир-бирига боғлаб турган ташқи омиллар билан бирга кўз илғамас ички ришталар ҳам бор. Айтайлик, азалдан ўзбек тожикнинг бозорида, туркман қозоқнинг юртида, қирғиз ўзбекнинг диёрида ҳеч қачон таржимон орқали гаплашган эмас. Бизни бир-биримизга боғлаб турадиган илоҳий бир куч — дил бирлиги мавжуд бўлган. Бу дўстлик истиқлол туфайли бугунги кунда янада теран ва чуқур илдиз отмоқдаки, ана шу туйғуларсиз эртанги кунга, келажакка ишонч билан қарай олмаймиз.

Мамлакатимиз Президенти И. Каримовнинг ташаббуси билан «Туркистон — умумий уйимиз» шиори остида бу дўстликни янада мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган эзгу ҳаракат ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Бу йўлда «Марказий Осиё мамлакатлари халқлари маданият арбоблари ассамблеяси» дунёга келди. Юртимиздаги турли миллат халқларининг маданий марказлари тузилиши ҳам бу дўстликнинг истиқлол туфайли алоҳида аҳамият касб этаётганлигидан далолатдир.

Узбекистонда ҳозир 120 дан ортиқ миллат вакиллари тинч ва аҳил ҳаёт кечирмоқда. Ўтган йили 2 июнда республика Қирғиз миллий-маданий маркази иш бошлаган эди. У қисқа муддатда анчагина ишлар қилишга улгурди. Уни 30 кишидан иборат оқсоқоллар кенгаши бошқармоқда. Жиззах вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят давлат мулки ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармасининг бошлиғи Аброр Каримов маданий марказга раис этиб сайланди.

— Узбекистон қадимдан яшаб келаётган кўплаб қирғиз миллати вакилларининг ҳам макони ва Ватани ҳисобланади, — дейди марказ раиси А. Каримов. — Айни пайтда Узбекистоннинг Жиззах, Сирдарё, Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Самарқанд вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида қирғизлар яшаб, меҳнат қилмоқда. Шуни алоҳида таъкидлашим керакки, асрлар оша истиқомат қилаётган қирғизлар ўз маданиятини, тилини, урф-одатини йўқотгани йўқ. Аксинча, қардошларимизнинг анъаналари замирида урф-одатларимиз, меросимиз бойиб бормоқда.

Кўп йиллардан бери Жиззах ва Талас вилоятлари ўртасида дўстлик алоқалари давом этиб келмоқда. Ҳозир республикамизда 65 та қирғиз тилида ўқитиладиган мактаб бор. Ана шу мактабларда дуч келаётган муаммоларни ҳал қилиб боряпмиз. Жумладан, бу мактабларни қирғиз тилидаги дарсликлар, дастурлар, бошқа ўқув қуроллари билан таъминлашни яхшилашга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг учун Узбекистон ва Қирғизистон республикаларининг Халқ таълими вазирлари ўзаро келишилган ҳолда иш олиб бормоқдалар. Қирғиз мактабларини миллий мусиқа асбоблари, турли матбуот нашрлари билан мунтазам таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Республикамиздаги қирғиз йигит-қизларини Қирғизистондаги олий ўқув юртларига, Қирғизистондаги узбек йигит-қизларини Узбекистондаги олий ўқув юртларига жойлаштириш бевосита миллий марказ орқали амалга оширилмоқда.

Ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорларнинг меҳнат фаолиятини матбуотда кенг ёритиш режалаштирилган. Яқин фурсатда ўзини самарали меҳнати билан Узбекистонда «Чўл бургути» деб ном олган Саттор Усмоновнинг фаолиятини оммалаштирувчи фильм олиш мулжалланмоқда. Шунингдек, қирғиз халқининг урф-одати, тўйлари, анъаналарини, халқ ҳунармандчилигини акс эттирувчи фильмлар яратиш ҳам режада бор.

— Туркий халқларнинг умумий миллий байрамлари — Наврўзда ўзбек вакиллари Қирғизистонда, қирғиз вакиллари Ўзбекистонда иштирок этиш имкониятларини кенгайтирамиз, — деди А. Каримов. — Мустақиллик байрами кунларида ҳам меҳнат илғорлари, адабиёт ва санъат вакилларининг борди-келдисини кучайтирамиз. Узбекистонда яшаб, ижод қилаётган қирғиз ижодкорларининг тўпламларини чоп этиш йўлга қўйилди. Қирғиз халқининг машҳур эпоси — «Манас»ни шоир Турсунбой Адашбоев узбек тилига таржима қилмоқда.

Икки халқ орасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, қисқа вақт ичида Қирғиз маданий маркази фаолиятини жонлантиришда А. Каримов ўзининг ташкилотчилиги ва жонбозлигини кўрсатди. «Марказий Осиё мамлакатлари халқлари маданият арбоблари ассамблеяси» президенти, атоқли адиб Чингиз Айтматов билан Жиззах вилоятида яшовчи қирғиз миллати вакилларининг учрашуви бўлди. «Манас» эпосининг 1000 йиллигини ўтказиш, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашдаги хизматлари учун Жиззах вилоят ҳокими А. Тошкенбоев ва Қирғиз маданий маркази раиси А. Каримов Қирғизистон Республикаси Президентининг Фахрий Ёрлиғи ҳамда «Манас»нинг 1000 йиллиги муносабати билан чиқарилган юбилей олтин медали билан мукофотланган эди.

Аброр Каримов аввало вилоят давлат мулки ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи сифатида вилоятда хусусийлаштиришни жадаллаштириш борасида катта қуламда хайрли ишларни амалга оширмоқда. Айни пайтда жамоат ишларида ҳам фаол. Биз унинг икки халқ дўстлигини янада мустаҳкамлашда ташкилотчилик, фидойилик хислатларини намоён этишига ишонамиз.

Абдусаттор СОДИҚОВ.

ҲАМ ҚУЛАЙ, ҲАМ АРЗОН

Диққат: янгилик!

Ўзбекистонда уруғлик чигитни дорилаб экиш бўйича яна бир янгилик яратилди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ўғитлар институти ҳамда Чирчиқдаги «Хим Стим» илмий техник маркази олимлари томонидан уруғлик чигитни П-4 дорилагичи яратилди.

— Шу пайтгача экиладиган чигитлар асосан ТМТД, ТХФМ, фентиурам каби препаратлар билан дориланарди, — дейди ФА Ўғитлар институтининг директори, техника фанлари доктори, профессор Султон Ҳожи Усмонов. — Бу дорилар заҳарли бўлиб, инсон саломатлигига таъсири катта эди.

— П-4 дориси эса юқори натижали, мутлақо зарарсиз, чигитга гоммоз ва илдиз чириш касаллигига таъсир қилади. Фентиурамга нисбатан гоммоз касаллиги 10-15 процент, илдиз чириш касаллигига 15-20 фоиз кўп ижобий таъсир кўрсатади — деб ўз фикрини билдирди Чирчиқдаги «Хим Стим» илмий техник маркази директори, техника фанлари номзоди Ҳаётилло Ҳожи Исоқов.

Қолаверса, юқорида тилга олинган, дориларнинг 1 гектар майдондаги чигитга ишлов бериш сарфи 150-250 сўм атрофида бўларди. Янги препарат эса бор-йўғи 65-70 сўмни ташкил этади.

Буни қўллаш ҳисобига пахта сифати яхшиланади, ўсишини тезлаштирувчи хусусияти бўлганлиги сабабли ҳосилдорлик гектарига 2-3 центнерга ортади. Сирдарё, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Қорақалпоғистон Республикасида П-4 дориси муваффақиятли синовдан ўтди. Жорий йилда бу препаратдан 100 тоннани республика пахтазорларида чигит экишда фойдаланиш тавсия этилди. Бу — П-4 препарат билан мамлакатимизда 1996 йил экиладиган 20 фоиздан ортиқ чигитда қўллаш демакдир.

А. БОТИРОВ.

ТАРАДДУД ҚИЗҒИН

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши мажлислар залида тарихий саналарни ўтказишга бағишлаб тузилган ташкилий комиссияларнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Шу кунларда Қорақалпоғистон Республикаси меҳнаткашлари мустақилликнинг беш йиллигини муносиб зафарлар билан кутиб олиш учун барча соҳаларда халқ хўжалигини ривожлантиришда жадал меҳнат қилмоқдалар. 1996 йил республикамизда Амир Темур йили деб эълон қилинди. Шу муносабат билан Қорақалпоғистонда, шаҳар ва туманларда соҳибқирон таваллудига тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. «Қорақалпоғистон» нашриётида Амир Темур тузуклари, соҳибқирон ҳақида китоблар, плакатлар чоп қилиш режалаштирилмоқда. Самарқанд, Қашқадарё ва бошқа вилоятларга сайлар ташкил этиш белгиланди.

9-10 март кунлари Наврўз байрами кунларига бағишланиб шанбалик ўтказилди. Шаҳар ва туманлар, овулларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида эътибор берилди. Айрим саноат корхоналарида тежалган хом ашё ҳисобидан маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Комиссиялар йиғилишида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси ўринбосари Р. Йўлдошев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Г. Аннақиличова, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши биринчи котиби А. Асанов, Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмалари раиси Б. Юсупова қатнашдилар.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Бухоро: қадимий Арк майдони.

Бу ҳаммаси эмас

КИРИМИДАН ЧИҚИМИ КЎП...

ёки Қизилқум қоракўлчилигидаги айрим муаммолар ҳақида

Қишлов — синов, деганларича бор. Қорли-қировли кунларда жамоа чорвасини асраш, тўқ ва семизлигини таъминлаш осон иш эмас. Айниқса, яйловларда ўт-ўлан камайган, омухта ем анқонинг уруғи бўлган бир пайтда қоракўлчиликни ривожлантириш, маҳсулдорликни оширишнинг ўзи бўлмайди. Нима бўлганда ҳам Навоий вилояти чорвадорлари 1 миллион 77 минг бош қўй-қўзини беталофот қишдан олиб чиқишга ҳаракат қилишяпти.

Ҳолва деган билан оғиз чучимаганидек, Учқудуқ, Томди, Нурота, Конимех туманларидаги иқтисодий танглик, барча хўжаликлардаги қарздорлик ишнинг белига тепяпти. Айни пайтда вилоят «Қоракўл» ишлаб чиқариш бирлашмасига уюшган 38 та хўжаликнинг ўттиздан ошиғи маблағсиз боши берк кўчага кириб қолган. Ёки лўнда қилиб айтадиган бўлсак, мазкур хўжаликлар бугунги кунда давлатдан 250 миллион сўмга яқин қарздор. Демак, омухта ем, ёнилғи, эҳтиёт қисм ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Аксарият хўжаликларда чўпон-чўлиқлар ойлик маошини вақтида олишолмаяпти. Учқудуқ туманидаги «Авангард», Дўстлик, Томди туманидаги «Кирилбулок», «Оёқкудуқ», Жабай Балиманов номли хўжаликларда бунга мисоллар талайгина.

Дарвоқе, даромадга яраша буромад деганимиздек, кирим бўлмагач чиқим кўпайиб зарар ортаверар экан. Чиқим деганда биз асосан мол чиқимини назарда тутяпмиз. Ўтган йилнинг октябрь ойидан бошлаб янги йилнинг биринчи февралига қадар вилоят хўжаликларида 11 минг бош қўй ва эчки ҳаром ўлган?! Жумладан, бирлик хўжаликларида 300 минг бош ориқ ҳамда ундан беридаги майда моллар мавжуд. Уларни ажратиб қўшимча озуқа асосида боқиш учун на ем бор, на иссиқ қўра. Намунали ветеринария хизмати, керакли дори-дармон хусусида-ку гап ортиқча. Айниқса, эрта кўкламда қузилаши кутилаётган 680 минг бош совлиқнинг парвариши ҳам ниҳоятда ночор. Уларга баҳорда эмас, аксинча шу қорли-қировли кунларда кепак, чигит пўстлоғи, арпа сингари сершира озуқалар бермоқ лозим. Ушанда ҳар совлиқдан биттадан соғлом қўзи, белгиланган қоракўл тери ва жун олиш мумкин.

Кези келганда шуни айтиш керакки, олис яйловлар ва ўтовларда яшаб меҳнат қилаётган чўпон-чўлиқларнинг ижтимоий ҳимояси ҳам талабга жавоб бермайди. Бу ҳам юқорида қайд этганимиздек қўйчилик хўжаликлари иқтисодиёти билан боғлиқ. Чунки маблағ, ойлик маош бўлмагач, қоракўлчилар ун, ёғ, гуруч, иссиқ кийим-кечакни қаердан ҳам харид қилишсин? Ёки жамоа чорвасини қандай қилиб кўз қорачиғидек асрасин? Ахир, юртбошимиз куни кеча бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишда таъкидлаганидек, меҳнат кишисида кўндалангига: хоҳ у деҳқон, хоҳ у фермер, хоҳ у чўпон-чўлиқ бўлсин, манфаатдорлик туйғусини шакллантирмоқ керак. Меҳнатдан манфаатдорлик бўлсагина ҳар бир киши ҳалол ва виждонан ишлайди.

Бизнингча, Қизилқумда қўйчиликни ривожлантиришнинг чиқими эмас, аксинча киримини кўпайтиришнинг бирдан-бир йўли ҳам худда шу — қўйчивонлар манфаатдорлигини оширишдир. Бу борада Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг амалий ёрдами ниҳоятда зарур!

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

ИШСИЗЛАР СОНИ ОРТИБ БОРМОҚДА

МАДРИД. Испаниядаги жами ишсизлар сони жорий йилнинг январь ойида 3 миллион 580 минг кишига етди. Бу кўрсаткич мамлакатдаги ишга яроқли аҳолининг 22,77 фоизини ташкил этади.

Ишсизлар сонининг бу даражада тез ортиб бораётгани нафақат Испания, балки Европа Ҳамжамиятига аъзо бошқа мамлакатларни ҳам ташвишга солмоқда.

Айни вақтда мамлакатда ишсизлик энг юқори бўлган вилоят бу Андалусиядир. Бу ерда ишсизлар сони ишга яроқли аҳолининг 33,96 фоизига тенг келади.

Таъкидлаш керакки, Испанияда рўйхатга олинган 12 миллион 168 минг оиладан 6 миллион 114450 тасининг барча аъзолари бирон-бир иш билан банд. Лекин, шўниси ачинарлики, рўйхатга кирган 973 минг оиладан ҳеч ким ишламайди.

ТЎҚНАШУВЛАР АВЖ ОЛМОҚДА

КОБУЛ. Афғонистонда турли сиёсий гуруҳ ва партиялар ўртасидаги қонли тўқнашувлар яна авж олди.

Воқеаларнинг бундай ривожи халқаро ҳамжамиятни қаттиқ ташвишга солмоқда. Куни-кеча мамлакат шимолида «Ҳезби Исломи» ва ўзаро урушаётган қуролли бўлинмалар ўртасида ана шундай тўқнашув бўлиб ўтди. Натижада 20 нафар киши ҳалок бўлди, 30 нафар киши эса оғир яраланди.

СПИДГА ҚАРШИ ЯНГИ ДОРИ

НАЙРОБИ. Кения тиббиётчилари СПИД касаллигини даволашда қўлланадиган янги «Перл Омега» номли дори ишлаб чиқди.

Африканинг мазкур давлатида кашф этилган бу дори Ғарб мамлакатларида ҳам юксак баҳоланмоқда.

Мамлакатда чиқадиган «Кения Таймс» газетасининг ёзишича, кўплаб мижозлар «Перл Омега» дорисини истеъмол қилгандан сўнг ўзини яхши сеза бошлаган. Ҳатто СПИД касаллиги туфайли ўлим тўшагида ётган 24 ёшли Дэвид Нджороге исмли йигит мазкур дори туфайли тузалиб кетган. Бемор қайта текширувдан ўтказилганда унинг қонида касаллик вируси топилмаган.

НОҚОНУНИЙ СОТАЁТГАНДА УШЛАНДИ

ДЕҲЛИ. Икки нафар россиялик денгизчи Ҳиндистоннинг Бомбей шаҳридаги портда катта миқдордаги олтинни ноқонуний равишда сотаётган вақтда ушланди. Маҳаллий ҳуқуқ-тартибот органларининг маълум қилишича, денгизчилар қиймати 285 минг АҚШ долларига тенг бўлган 22 килограмм қуйма олтинни пуллаётган чоғда полиция томонидан қўлга олинди.

Мазкур порт маъмурияти эндиликда Россиядан келадиган ҳар қандай кемани синчковлик билан текширишга қарор қилди. Чунки, Россия фуқаролари томонидан Ҳиндистон қонунларининг бузилиши оддий ҳолга айланиб қолган.

ЯШИРИН ФАБРИКА ФОШ ЭТИЛДИ

ЛОНДОН. Британия полицияси мамлакатнинг Норфолк графлигидаги қишлоқлардан бирида қора дори ишлаб чиқаришга ихтисослашган яширин фабрикани фош этди. Маълум бўлишича, ушбу фабрика гиёҳванд моддалар ишлаб чиқариш бўйича Европада яширин фаолият кўрсатаётган энг катта корхоналардан бири экан.

Экспертларнинг фикрича, фабрика бир ҳафтада 22 миллион долларлик олти тоннага яқин ажал уруғи ишлаб чиқариш қувватига эга.

КИМОШДИДА ҚЎЛГА КИРИТДИ

РИМ. Италиядаги «Теле-Монте Карло» хусусий телеканали соҳиби, машҳур кино устаси Витторио Чекки Горри 1996 йилги Италияда ўтказиладиган барча футбол ўйинларини намойиш этиш ҳуқуқини кимошди савдосида қўлга киритди. Кино «қироли» бу билан ўзининг катта рақобатчиси РАИ-ТВ давлат телерадиокомпаниясига кескин зарба берди.

Италияда телевидение орқали футбол ўйинларини намойиш этиш катта даромад манбаидир. Шунинг учун Витторио Чекки савдода ҳеч иккиланмай РАИ-ТВ ва бошқа рақобатчилардан кўра 20 миллиард лир зиёд маблағ сарф этди.

Энди кино «қироли» ўйинлар намойиши учун миллий футбол лигасининг розилигини олиши керак. Бунинг учун 213 миллиард лир ёки 140 миллион доллар миқдоридаги маблағ талаб этилади. Витторио Чеккининг фикрича, бу харажатларнинг қўрқинчли жойи йўқ.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Сиёсий мувозанат

МАРКС, ЛЕНИН... ЗЮГАНОВ ВА БОШҚАЛАР

Йўқдан бор бўлмайди, бордан йўқ бўлмайди, деган назарияни рус мутафаккири Михаил Ломоносов айнан умумчилар учун ишлаб топганга ўхшайди. Аслида олим бу ғояни дунё ҳукмига ҳавола этганида Владимир Ильич (Ленин)ни қўя турайлигу ҳали Карл Маркс ҳам дунёда йўқ эди. Ломоносовнинг асосан моддий оламга нисбатан билдирган фикрини уста файласуфлар дарҳол ижтимоий тадрижга, жамият тараққиётига тадбиқ этдилар. Ва умумдунёвий ғоялар, глобал назариялар-да бирдан иккинчи шаклга киради, қиёфа, манзара, қўлам сингари сифатларини ўзгартиради, деган маъно келиб чиқди. Нақадар тўғри мантиқ! Марксдан ўсиб чиққан демократлар социалист, сўнг коммунист бўлдилар. Энди эса ўзларини неокоммунист деб атамоқдалар. Шу ўринда ном-шаклнинг ўзгаришига диққатингизни қаратмоқчи эдик. Бир шаклдан иккинчи шаклга ўзгаришни кузатинг. Аммо мантиқ-чи, шакл ичидаги мазмун нима бўлди? Марксдан Зюгановгача бўлган икки асрга яқин даврда умумчилик мазмунининг моҳияти ўзгардими? Биз майда, таҳрир сифатидаги эмас, айнан моҳият ўзгаришини назарда тутмоқдамиз. Ёлғон гапирмай десангиз, албатта, бу саволга йўқ деб жавоб берасиз. Ломоносовнинг жаҳон тан олган «бор» ва «йўқ» назарияси умумчилар ғоясига нисбатан ўз тасдиғини топмаганига тарих шоҳид.

Русиядаги бугунги вазият бир ташбеҳ қуллашга ундайди: дарахт эгри бўлиши мумкин, лекин ундан ясалган таёқ ҳам эгри бўлса, одамнинг ўзига тегади. Шунданми, бугунги Русияда Ломоносов назарияси билан янги умумчилар ғояси бир-бирига панд беришга ўринмоқда.

Қутилган ва қутилмаганликлари билан Русия ҳамиша бутун дунёни лол қолдирган. Яқинда яна бир карра ҳайратга солди. Русия Федерацияси коммунистик партияси раҳнамоси Геннадий Зюганов булажак сайловларда мамлакат президентлигига ўз номзодини қўйганлигини расман қайд этди. Жаҳон сиёсатини белгиловчи давлатлардан бири — Русия. Ундаги сиёсий-ижтимоий вазият, барқарорлик бутун дунёга, айниқса собиқ Иттифоқ таркибида бўлган давлатларга қаттиқ таъсир қилади. Жаҳон айвонида шу қадар қудрат ва таъсир кучига эга давлат ҳокимияти тепасига коммунистларнинг бу қадар яқин келиши дунё сиёсатчиларини ташвишга, русияликларнинг ўзини эса хавотирга солиб қўйди. Чунки мамлакатдаги ислоҳотлар ва демократиянинг тақдири ҳокимиятнинг кимлар қўлига ўтишига ҳудаям боғлиқ. Ўз сиёсатидаги қабариқ, бўртиқ жиҳатларни силлиқлаб, текислаб жаҳон интеграциясига уйғун қадам ташлашга интилаётган Русияга бугун эски коммунистлар кўпроқ керакми ёки янги даврнинг янги сиёсатчилари заруррақми? Умуман олганда, Русия бугун сиёсатда эҳтимол қутилаётган шу қадар кескин ўзгаришга тайёрми? Тарихан қисқа фурсатда мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг бир қутбдан бошқа қутб масофаси даражасида ўзгаришга юз тутиши мамлакат тараққиёти, иқтисодиёти, миллатлар тафаккурига қандай таъсир қиларкин? Ҳар ҳолда, хамирдан қил суғургандек силлиқ кечмаса керак. Ахир, ўз йўлини топиб юришга интилаётган аравага бешинчи ғилдирак ихтиро қилишнинг эҳтиёжи борми? Умуман, ҳозирги дунёда коммунизм ғояси тешик тоғорага ўхшаб қолди. Унда ҳеч нарса — сув ҳам, қум ҳам турмайди.

«Труд-7» газетаси мухбири саволларига (1996 йил 7 март) Русия коммунистлари раҳнамоси Зюгановнинг берган жавоблари билан танишган ўқувчи, ажабо, Геннадий Андреевич эски тосда тилла балиқча тутганми деб ўйлайди. Тўғри, уни омманинг катта қисми қуллаши мумкин. Коммунистларнинг ҳокимиятта келишини кўпчилик сиёсий-ижтимоий мувозанатнинг бузилиши, хусусий мулкнинг барҳам топиши, фуқаролар қатағони бошланиши, сохта «тенглик» қарор топиши, энг муҳими — ҳурриятнинг сиқиб чиқарилиши эҳтимоли билан боғламоқда. Назаримда, бундай иштибоҳга келишимиз учун асос бор. БИРИНЧИДАН, маълумки, Русияда генерал Александр Лебедь бошчилигида ҳарбийлар ва уларнинг теварагидагилар ҳам президент ҳокимиятига «қўл чўзиб» турибдилар. Зюганов эса Александр Иванович билан қўлни қўлга бериб, битта одам бўлиб, президентликка узунроқ қўлни чўзишни таклиф қилмоқда. Ҳарбийлар ёки коммунистларнинг ҳокимият тепасига келиши нақадар хатарли экани тарихдан маълум. Уларнинг бирикиши эса, шубҳасиз, бундай хатарни икки карра кучайтирган бўлур эди. ИККИНЧИДАН, Геннадий Андреевич, ким ҳалол яшаб, ҳалол ишлаётган бўлса, хотиржам бўлаверсин. Қандайдир қайта тузатишларсиз меҳнат қилишни истаганларни қуллаб-қувватлаймиз. Сиёсий таъқиблар бўлмайди, қабилида гапириб, одамлар қалби ва ақлидан ҳали учиб улгурмаган қизил шарпани яна ёдга солмоқда. УЧИНЧИДАН, Зюганов, биз КПССдан фарқ қиламиз, иқтисодиётнинг кўпукладлилиги, фикрлар хилма-хиллиги, виждон эркинлигини тан оламиз. Партиянинг номи эса ҳеч кимни чўчитмасин. Уни кўпчилик партия аъзолари қарори билан ўзгартириш мумкин, деган фикрни илгари суради. Ҳолбуки, «ривожланган социализм» ҳам иқтисод, фикр ва виждон борасида шу жиҳатларни тан олмасмиди? Боз устига, Геннадий Андреевич партиянинг номини ўзгартириш мумкинлиги ҳақида гапиради-ю, унинг мазмунмоҳиятида ўзгариш қилиш ҳусусида лом-мим демайди. Чунки уларда бундай мақсаднинг ўзи йўқ. Шундан кўринадики, бугунги коммунистлар аслида янги, бошқа эмас, кечаги коммунистларнинг давоми, холос.

Умуман, олганда, Геннадий Зюгановнинг ушбу мулоҳазалари эски қўшиқни янги созга ёки янги қўшиқни эски созга солмоқчи бўлаётган нуноқ машшоқнинг ношуд уринишларини эсга солади.

Узбекистон мустақил давлат. У ҳеч бир соҳада бошқа давлатнинг ички ишларига аралашмаслик йўлини танлаган. Шу йўлдан бориб жаҳон интеграциясига уйғунлашмоқда. Ватанимиз бутун дунёда сиёсий мувозанат, тинчлик, барқарорлик, тараққиёт устувор бўлиши тарафдори. Зеро, тарих тараққиётини ортга қайтариб бўлмайди.

Салим АШУР,
«Ўзбекистон овози» шарҳловчиси.

ҚИСҚАЧА АЙТГАНДА

Перу давлатининг Фаусет авиакампаниясига тегишли «Боинг 737» йўловчи самолёти ҳалокатга учради. Бу Арикид шаҳридаги аэропортга яқин жойда юз берди. Самолётдаги 117 йўловчи ва 6 нафар экипаж аъзоларини қутқариб қолишнинг имкони бўлмади. Перу ҳукумати ушбу авиаҳалокатнинг сабабларини ўрганувчи комиссия тузди.

* * *

АҚШнинг Филадельфия штатида истиқомат қилувчи миллий хавфсизлик агентлигининг собиқ ходими 50 ёшли Роберт Липка собиқ СССР давлат хавфсизлик қўмитаси билан ҳамкорлик қилганликда айбланмоқда. Маълум бўлишича, Роберт Липка 60-70-йилларда советлар томони учун айғоқчилик қилган. Яъни, махфий ҳужжатларни мукофот эвазига ДХҚ ходимларига етказиб турган. Унинг айғоқчилик учун олган пули 27 минг долларни ташкил этади.

* * *

АҚШ федераль тергов бюроси ходимлари «рус мафиясининг» уч аъзосини қўлга туширдилар. Ҳибсга олинганларга нисбатан қўйилаётган айб шундаки, улар бу мамлакатдаги 24 та Россия компанияларидан 4,5 миллион доллар пулни алдоқчилик йўли билан ўзларининки қилиб олишган экан.



Индонезия: мусулмонлар масжиди.

МИСР КИЙИМЛАРИ АМЕРИКАЛИКЛАР ЭГНИДА



Америкаликларнинг Мисрда ишлаб чиқарилган кийим-кечакка бўлган эътибори тобора ортмоқда. Миср ўтган йили АҚШга қиймати 150 миллион долларлик кийим-кечак экспорт қилди. Улар ичида эркаклар кўйлаги, шими ва енгсиз попуверлар бор. Яна шуни қайд қилиш керакки, Мисрнинг ўтган йили четга чиқарган газлама, тўқув маҳсулотлари ва тайёр кийимлари миқдори 20 фоизга ошган.

Алломат гаплар

ЧЕКИШНИ ЕРГА ТАШЛАШ ОҚИБАТИ

ОРАДАН олти ой ўтган бўлса-да, бу воқеа америкалик Карла Доррининг ҳамон эсидан чиқмайди. У коллежда ўқиб юраркан, бир чет эллик талаба билан танишиб турмушга чиқди. Сўнгра эрининг ватани Сингапурга кўчиб кетди. Орадан уч ой ҳам ўтмай ажралишди ва Карла юртига пулсизликдан қайта олмай, қолиб кетди. Бир куни кечқурун ўзи ишлайдиган бардан уйига қайтаркан, сигарет қолдиғини йўлкага ташлади. Кутимаганда полициячи шартта ушлаб, юзига шапалок урди ва сигарет қолдиғини олишни буюрди. Карла эса бўш келмай, жаҳл билан «Ўзинг ол», деди. Кейин у ўзини 12 та аёл ўтирган тор камерада кўрди. Уни уч кундан кейин «сўроқ» қилдилар. Аёл ўзини оқлашга уринди, бироқ уни саккиз таёқ уришга ҳукм чиқардилар. Хонада олти киши, иккитаси эркак эди. Айбдорни боғлаб, белидан пастини ечишди. Ҳўл пальма таёқ ялангоч баданига урилди. Карла чинқира бошлади. Учинчи таёқдан ғужанак бўлди. Оёқларидан қон оқаётганини сезди. Олтинчи таёқда ҳушидан кетди. Ҳушига келтирдилар. Кейин яна уч ой қамоқда ушлашди. Ҳеч қандай тиббий ёрдам кўрсатилмади. Карла юқори ҳароратдан ўлаёзди. Тузалиб кетди, аммо калтак ўрни чандиққа айланганди.

ҚЎЛБОЛА ДАҲОЛАР

— Ҳар қандай одамни бир кечада даҳога айлантириш мумкин, — дейди японияли олим Киекацу Сато. — Бунинг учун мияга компьютер чипини ўрнатиш керак.

Чиплар турига қараб кишини буюк математик ёки 250 йил давомида юз берган воқеаларни бир лаҳзада эсловчи тарихчига айлантиради. Бу операциянинг баҳоси 25 мингдан 150 минг долларгача туради.

Тўпловчи Ф. ОРИФ.

ШОТЛАНДИЯЛИК ПОДАЧИ

Биласизми?

Чўпонлик ҳақида ўйласам негадир юртимиз яйловларини тасаввур этардим. Тараққиётда илдамлаб кетган, айтайлик, Европа мамлакатлари чўпонлари ҳақида эса ҳеч ким ўйлаб ҳам кўрмаганман.

Шотландияда, ҳа, ишонаверинг, ўша ерда ҳам беповён яйловлар, худди бизнинг чўпонлардек оддийгина подачилик билан машғул одамлар бор. Қизиғи шундаки, Шотландияда қўй боқишнинг ҳам ўз сир-синоати бор. Чўпонлар қўйларни назорат қилишда кўпинча итлардан фойдаланади. Бунинг нимаси янгилик дерсиз? Лекин подачилар итларни «конкурс» билан «иш»га қабул қилишаркан. Ит-қоровул камида 10—12 та операция-кўрсатмани аниқ билиши керак. «Кўрсатма»лар фақат ҳуштаклар орқали берилади. Узун ҳуштак подани гир айлан, қисқаси чапни қайтар, ёки ўнгдан қиялаб чоп, узоқда хавф бор каби. Ҳаттоки узоқдаги «қорани» — хавфни аниқла деган кўрсатма ҳам бўлади.

Подачилар 2—3 ойда йиғилишиб фахрий қоровул-итлар мусобақасини ўтказади. Қайси чўпоннинг ити «кўрсатма»ларни аниқ бажариб ғолиб бўлса, махсус соврин олади. Ғолиблга «тоифа» деган унвон ҳам беришади.

Балки бизда бунга ҳожат йўқдир. Лекин барибир шотландия подачиларининг тажрибаси ҳам чакки эмас.

САИДА.

Японлар нигоҳи.

МЕНДЕЛЕЕВ АЙҒОҚЧИ БЎЛГАНМИ?

Албатта, йўқ. «АИФ» газетасининг хабар беришича, машҳур кимёгар Д. Менделеев ҳарбий разведка агенти штатида бўлмаган. Бироқ унга саноат айғоқчилиги билан шуғулланишга бир марта тўғри келган. Бу америкаликлар нефть қазиб оладиган ва уни қайта ишлайдиган янги қурилма ихтиро этганларидан кейин уларнинг маҳсулоти арзонлашиб, Россия нефтини дунё бозоридан қисиб чиқара бошлаган даврга тўғри келди. Ўша пайтда ўзаро рақобатга чидай олмаган Россия нефтни қайта ишлаш заводлари бирин-кетин ёпила бошлайди.

Шунда Петербургда жуда маҳфий бўлган океан орти тажрибасини ўрганиб, «ижодий қўллаш»га қарор қилинади. Бу оғир ва масъулиятли ишни нефтни қайта ишлаш соҳасида йирик мутахассис ҳисобланган Д. Менделеев зиммасига юклашади. Ҳарбий идоралар билан мустаҳкам алоқада бўлган Рус техника жамияти машҳур олимнинг Америкага сафарини уюштиради. Тўғриси, ушбу алоҳида топшириқни Дмитрий Иванович муваффақият билан адо этади.

У йўл-йўлакай америкаликларнинг яна бир муҳим сири — тутунсиз порох ишлаб чиқариш технологиясини зимдан ўрганиб қайтади. Америкаликлар формуласи асосида Менделеев тез орада тутунсиз порох ишлаб чиқаришнинг бутунлай мукаммал технологиясини яратади. Кейинроқ бу маҳсулотни тайёрлаш Россия ҳарбий заводларида изчил йўлга қўйилади.

Ишонмайсизми?

МУЧАЛНИНГ «ПАНОҲИ» МУШТАРИЙ ВА ЗУҲАЛ

ёки сичқон йили қачон киради?

Шарқий ва Марказий Осиёда, жумладан Ўрта Осиё республикаларида мучал номи билан юритиладиган тақвим кенг тарқалган бўлиб, ота-боболаримизнинг йил «ағдаришларида» энг қулай ҳисобланган бу йилноманинг тарихи қандайлиги кўпчиликни қизиқтиради. Мучалнинг асосида эрамиздан олдин 2000-йиллар ўртасида ташкил топган хитойликларнинг циклик календари ётади. Дастлаб кунлар, кейинроқ эса йил ҳисоби олиб бориладиган бу цикл олтмишлик тизимда кўрилган. Қадим Хитойда ҳар бир ой учта ўн кунликдан ташкил топиб, улар махсус ном билан «сюнь» деб аталарди. Ўн куннинг ҳар бир «осмон шоҳобчаси» белгилари деб юритиладиган белгилар билан номлари қуйидаги тартибда келади: цзя, и, бин, дин, у, цзи, ген, синь, жень, гуй. Маълум йилдаги ойлар ҳам 12 та рамзий («ер шоҳобчаси» белгилари) белгиланиб, улар зодиак соҳасидаги (Қуёшнинг юлдузлар оралаб йиллик кўринма йўли соҳаси) юлдуз туркумларининг ушбу таркибига мос келади: цзи (ҳамал), чоу (савр), инь (жавзо), мао (саратон), чень (асад), сы (сунбула), у (мезон), вэй (акраб), шень (қавс), ю (жадди), сюй (далв) ва хай (ҳут).

Олтмиш йиллик цикл қандай вужудга келган? Сатурннинг икки айланиш давридан ташкил топган олтмиш йиллик циклни тақвим тузиш учун асос қилиб олдилар. Бунда хитой натурфилософияси дунёқараши ҳам кам роль ўйнамади.

Гап шундаки, бу фалсафанинг қарашларига кўра, борлиқ табиатнинг беш унсуридан—дарахт, олов, металл, сув ва тупроқдан ташкил топган. Бу беш унсур ўз хусусиятлари орқали эслатилган ўнта «осмон шоҳобчаси» белгилари билан ифодаланган. Қадим хитойликлар турли табиий офатлар ва ҳар йиллик ҳосилнинг тақдири ҳамда бошқа кўплаб ҳодисаларнинг сабабчиси деб Муштарийни билганлар. Шу боисдан унинг ҳаракатини яхши ўрганиб, Қуёш атрофида айланиш йўлини 30 даражадан қилиб, тенг 12 га бўлганлар ва ҳар бир бўлагига эслатилган йилдаги 12 ойнинг белгиларини қўйганлар. Хитой календарининг 12 йиллик белгилари эрамизнинг бошларида, эрамиздан олдинги икки мингинчи йилларнинг ўрталарида Марказий Осиёнинг кўчманчи халқлари томонидан Юпитернинг айланиш даври асос қилиб олинган 12 йиллик тақвимга кўра ҳайвонларнинг номи билан аталадиган бўлди. Улар: каламуш, сигир, йўлбарс, қўён, аждаҳо, илон, от, қўй, маймун, товуқ, ит, чўчқа деб аталиб, бу номлар юқорида эслатилган 12 юлдуз туркумига мос келади. Натижада қадим хитойликлар «осмон шоҳобчаси» ва «ер шоҳобчаси» белгиларидан ташкил топиб, 60 (12x5) йилни ўз ичига олган «циклик белгиларнинг жадвалини» тузганлар. Мазкур жадвалда маълум йил, «Осмон шоҳобчаси»нинг вертикал устуни билан «ер шоҳобчаси»нинг горизонтал йўли кесишган катакда жойлашиб, қўшма «қўён-олов», «маймун-металл», «от-сув» йили каби номлар билан аталадиган бўлган.

Олтмиш йиллик циклга эга бўлган бу тақвим ҳозирга қадар Хитойдан ташқари Корея, Япония, Вьетнам ва Мўғулистонда ишлатилади. Кечаётган йилнинг (милодий тақвим бўйича) олтмиш йиллик мучал тақвими тартиб номерини топиш учун ундан уч олиб ташланади (чунки бизнинг эрамизда 60 йиллик циклнинг биринчиси эрамизнинг 4-йилидан бошланади) ва у 60 га бўлинади, қолдиқ, неча чиқса, у мучал бўйича ўша йилнинг тартиб номерини билдиради. Масалан 1996 йилнинг 60 йиллик цикл бўйича тартиб номерини аниқлаш талаб этилган бўлсин: бунинг учун 1996 дан 3 ни айирамиз ва натижани 60 га бўламиз, яъни 1996-3=1993. Энди 1993:60=33 ва 13 қолдиқ қолади. Бинобарин 1996 йил ўттиз тўртинчи 60 йиллик циклнинг 13 йили, яъни сичқон йили эканлиги маълум бўлади.

Бу тақвимда оддий йиллар 12 ойдан иборат бўлиб, узунлиги 354, баъзан 355 кунга, кабиса йиллари эса 13 ойдан иборат бўлиб, узунлиги 384 ёки 385 кунга тенг бўлади. Бирор циклда қайси йиллар 12 ойлик ва қайсилари 13 ойлик бўлиб келиш тартиби, маълум Ой фазасини ҳар доим йилнинг аниқ бир числосига тўғри келиш даврига кўра аниқланади. Бу давр 19 йилга тенг бўлиб, шунча вақт ўтгандан сўнг, Ойнинг маълум бир фазаси (фараз қилайлик тўлиной) яна ўша олдинги числосига тўғри келади. Бу давр унинг ихтирочиси шарафига Метон даври ёхуд Метон цикли деб юритилади. Мазкур циклнинг 2-, 5-, 7-, 10, 13-, 15- ва 18-йилларида 13-ой қўшилиб, бу йиллар кабиса йилига айлантирилади ва 384 (ёхуд 385) кунга тенг қилиб олинади.

Бизнинг асримизда Хитой календарининг 19 йиллик циклларидан 1924, 1943, 1962 ва 1981 йиллари бошланган. 1995 йилнинг 31 январида тўнгиз йили кирган бўлиб, Метон циклининг 15-кабиса йилига тўғри келди ва 1996 йилнинг 18 февралигача давом этди. Мазкур календарнинг Ўрта Осиёга кириб келиши, бундан бир неча аср муқаддам Мўғилистон ва айрим шарқ мамлакатлари орқали кўчманчи халқлар томонидан амалга оширилган бўлса керак, деб тахмин қилинади. Бироқ қизиғи шундаки, вақт ўтиши билан Шарқда, жумладан Ўрта Осиёда бу календарнинг таркибий тузилишида айрим ўзгаришлар рўй берган. Булардан асосийси, олтмиш йиллик цикл ўрнига 12 йиллик цикл билан ишлатиладиган бўлиб қолган, яъни ишлатишга қулай бўлганлиги туфайли «осмон шоҳобчаси» элементлари ташлаб юборилиб, «ер шоҳобчаси»нинг белгиларини ифодаловчи ҳайвонларнинг номлари такрорланиб ишлатилган. Айрим ҳайвонларнинг бизда вақт ўтиши билан номлари ўзгарган. Хусусан, «каламуш» — «сичқон»га, «аждаҳо» — «балиқ»қа, «чўчқа» — «тўнгиз»га айланган.

Мучал ҳисобида навбатдаги сичқон йили 1996 йилнинг 19 февралида кириб, эслатилганидек олтмиш йиллик циклнинг 13-йили ҳисобланади. Сичқон йили 12 ойдан ташкил топган бўлиб, 1997 йилнинг 7 февралига қадар давом этади. Хитой тақвимига кўра, олтмиш йиллик циклда сичқон йилининг қўшимчаси «олов» бўлиб, унинг ижобий хислатлари (ҳаётбахш нури билан ёритувчи ва иситувчи) — «бин» номи билан келади. Мўғулларнинг тақвимига кўра, 1996 йилнинг 19 февралида кирган йил — «қизил сичқон» йили ҳисобланади. Бу календарь эрасининг боши эрамиздан олдинги 2637 йилга тўғри келиб, 1984 йилда кирган охирги 60 йиллик цикл унинг 78-си ҳисобланади. Мучал ҳисобида 19 февраль куни кирган янги йил — 4633 йил ҳисобланади.

М. МАМАДАЗИМОВ,
астроном, физика-математика фанлари номзоди, доцент.

Биз билган ва билмаган тарих

ЧИН ИНСОН ҚИСМАТИ

1

Лутфулла Олимий 1893 йили Наманган шаҳрида руҳоний-деҳқон оиласида туғилган. Отаси Олимхон ака оиладаги етти жонни зурга боқар, асосан деҳқончилик қиларди. Диний илмга пешлиги сабаб маҳалла, ҳатто шаҳар руҳонийлари орасида катта нуфузи бор эди.

Лутфулла етти ёшга тулганида отаси ёнида деҳқончилик қила бошлади. Айниқса, отанинг берган «эскича» таълими, ўқитиши уни Суфи Оллоёр ва Аҳмад Яссавий асарларини бемалол ўқиб, мумтоз ёзувни ҳафсала билан бита оладиган қилиб қўйган эди. Олимхон ака ўз ўғлидаги илмга бўлган ҳавасни тарбиялаш мақсадида уни 1901 йили Намангандаги иккинчи босқич эски мактабга берди. У уч йиллик мактабни икки йилдаёқ муваффақиятли тугаллаб, 1904 йили отаси билан Қўқонга келди. Бу ерда Олимхон аканинг яқин дусти, айни пайтда устози Ашурали Зоҳирий ва Муҳаммаджон Холиқийлар фаолият кўрсатишарди.

Шу йили 11 ёшли Лутфулла отасининг ташаббуси билан атоқли олим, журналист-педагог Ашурали Муҳаммадзоҳиров ихтиёрига топширилади. Ашурали ака уни ўз фарзандидек ўқитди, тарбиялади. Узининг педагогик ва журналистик тажрибасини ҳам унга тўла ўргатиб, бир умр устоз бўлиб қолди.

1913 йили Лутфулла устоз тавсияси билан Оренбург Олий Ислом мадрасасига ўқишга кетди. У ерда икки йил таълим олгач, айрим сабабларга кўра қайтиб келди.

— Шундан сўнг, — дея гувоҳлик беради таниқли педагог, 96 ёшли профессор Раҳимжон Отажонов[1], — севикли муаллимим Ашурали Зоҳирий уни Жиззахдаги тўлиқсиз олий мадрасага юбориб, ўқишини давом эттиртирди. У ерда бир йилга етар-етмас ўқиди. Сўнг ўқишни Самарқанд мадрасасига кўчирди. Бу ерда ишлаб юриб турли газета-журналларда ўз мақола ва шеърлари билан қатнашиб турди. Олимий 1916 йилдаги Жиззах қўзғолонининг мудҳишликларини ўз кўзи билан кўриб, бу ҳақда «Ер юзи» журналида махсус мақола ҳам чиқарганлиги кечагидек ёдимда. У инқилобгача ҳам турли эски мактаблар ва рус-тузем мактабларида ҳадис илми ва она тилидан дарс бериб юрган эди. 1924 йили Москва Журналистика институтига ўқишга кирди. Уни қачон битиргани ёдимда йўқ. Аммо аниқ биламан, Лутфулла Олимий 1927-29 йилларда Қўқондаги Партия мактабида она тили ва адабиётидан дарс берган. Бу даврда у «Фарғона» газетасида муҳаррир эди...

— Мен Лутфулла Олимийни жуда яхши биламан, — дейди 20-ва 30-йиллар тарихининг тирик шоҳиди, йирик олим, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, 86 ёшли Абдулла ака Суюмов. — У киши бир неча тилни яхши биладиган, айниқса, ўрис ва форс тилларига ўта чечан эди. Мумтоз адабиётни яхши билардилар. У кишининг кўплаб шеърлари «Туркистон вилоятининг газети», «Садои Туркистон» ва «Садои Фарғона» газеталарида чиқар эди.

2

Мен 20-йилларнинг охирларида Самарқандда ўқирдим, таътил пайтида Қўқонга борардим. Бундай паллада Лутфулла аканинг Самарқанддаги дўстлари — Абдулла Алавий, Ботир Ғуломовлардан салом олиб келардим. Лутфулла Олимий ниҳоятда кўркам, салобатли, буғдойрангдан келган инсон эди. Дона-дона ва виқор билан сўзлайдиган киши эди. У мақола ёки шеър ёзса, уни биров таҳрир қила олмасди. Унинг яқин дўстлари машҳур тилчи ва журналист Ёқуб Омон, Абдулла Каримов, Абдулла Раҳматзода, Чўлпонлар эди. Ашурали Зоҳирий ғоявий раҳбар ва устоз эдилар. Яхшиси, бу ҳақда у кишининг шогирди Абдулла Йўлдошнинг ўзлари гапириб берсин.

— Мен кўплаб тарихий воқеаларни ўз кўзим билан кўрган одамман, — дейди Абдулла ака. — 1924 йилларда Фарғонада — Партия мактабида Лутфулла Олимий қўлида икки йил сабоқ олганман. Бу одам тарих илмини, айниқса, Туркистон тарихини зўр биларди. Уни 30-йилнинг бошларида А. Зоҳирийга «дум» деб қамоққа олишди ва ўн йилга кесишди. Қамоқни муддатидан олдин, 1936 йили тугатиб келди. Аммо орадан сал ўтмай, уни 1937 йили яна «миллатчи, аксилинқилобчи», «Зоҳирийнинг шогирди», «Ботир гапчилар» шўроларга қарши ташкилотнинг ғоявий раҳбарларидан» деб қамашди. 1938 йилда отилиб кетган...

Унинг қаламига мансуб бўлган сон-саноқсиз мақолалар, шеърларни ўқиганман. Сира эсимдан чиқмайди: 1919 йили «Садои Туркистон» газетасининг беш йил олдинги сони қўлимга тушиб қолди. Очиб ўқисам, 3-саҳифасида домламизнинг «Миллий одат...» номли ихчам мақоласи чиқибди, — дея Абдулла ака эски чорсига эҳтиёт қилиб ўраб боғлаб қўйилган тарихий ҳужжатлар орасидан мазкур газетанинг 1914 йилги, яъни 24-сонини олиб беради ва сўзида давом этади. — Мақолада катта ижтимоий муаммо — баччабозлик, аёллар уст-бошини кийиб олиб тўйларда ўйинга тушувчи, ерда ётган тангапулларни тишлаб тортиб олиб, рақсга тушувчи йигитчалардаги нопоклик рўй-рост очиб ташланганди. Ана шу мақоласи билан домла бутун жумҳуриятга танилиб кетди...

Лутфулла Олимий ўз устози, йирик журналист ва олим Ашурали Зоҳирий тили билан айтганда: «10-йиллар охири ва 20-йиллар вақтли нашрларини ташкил этиш улар саҳифаларида чақмоқли, тиғли материалларни ёруғлиққа олиб чиққон, сўзида қарорли зиёлилардан эди». Унинг қаламига мансуб ҳар бир шеър, публицистик мақола ва хабар силсиласида даврнинг ижтимоий-сиёсий муаммоларига миллий нуқтаи назардан қараш ётарди. Ундаги табиий миллатпарварлик ўша оқ империя муҳитида оловлана бошлаган эди. Шу сабабли унинг 1916 йилги мудҳиш Жиззах қўзғолони қотилликларига бағишланган, 1926 йили «Ер юзи» журналининг 11-сонида босилиб чиққан «Қонли ва оғир қойғули кунлар» номли публицистик мақоласи бутун Туркистонгагина босқинчилар кирдикорларини очиб ташловчи боғ бўлиб қолмасдан у ер юзига, жаҳон меҳнаткашлари оммасига мазкур каллакесарликни бор бўйи билан кўрсатган айбнома-памфлет ҳамдир.

Жасоратли публицист шундай ёзади: «1916 йил, июль ойларида, рўза вақти, кунлар иссиғ, ҳар ерда, иш, дала жонлангон, поҳталар чопиладир, бедалар ўриладир, қовунлар узиладир, бозорда қимматчилик бошлангон, халқни очлик даҳшати қўрқитмоқда, деҳқонларнинг энг яхши отлари подшоҳ ҳукумати томонидан олинґон. Ҳар ерда очлик аломати кўриладир.

Худди шу чоғда халқнинг оғзида гивиршивир сўзлар: — 19 ёшдан 40 ёшқочо мусулмонларни аскарликка олар эмиш.

— Йўқ аскарликка эмас, мардикорга олар эмиш. Газетада шундай ёзилибдир.

Халқ орасида ҳаяжон, бутун шу масъала устида йўнатилган. Баъзи кишилар ўз ўғлининг оёғини синдириб аскарликка (мардикорликка) яроқсиз қилмоқчи, баъзилари агар ҳукумат рўйхатига олмоқ учун келса рўйхатчининг қорниґо пичоқ солмоқчи». Лутфулла Олимий ижтимоий публицистик мақоласининг кириш қисми билан ўқувчини қотилликнинг бошланишидаги ёлгончи осойишталик онлари билан ошно қилса, қуйидаги сатрлар орқали қотиллик ва ёвузликнинг ижроси, натижалари, оқибати ҳақида зўр ачиниш, дард билан хабар беради:

«...Ана пристиф, мингбошилар, палиссиялар маҳаллага халқни руйхат қилиш учун чиқдилар. Локин маҳаллаларда, уйларда ёш болалар, қари хотинларґина қолґон. Ёш кишилар ҳамласи ҳукуматка қорши кураш учун бир жойґо **(Жиззахга — муаллифлар)** тупланґон. Ҳамманинґ ёнида пичоқ, болта, ханжар ва бошқа ўқсиз қуроллар.

Йиґилґон халқ орасида суфилар, зокирлар ҳам бор. Улар зикри-самон билан халқнинґ дини ҳаяжонини орттирадирлар:

— Сен мардикор олмасликка ваъда бер, биз қойтамиз!

Мана ҳозир халққа қорши солдатлар, милтиқлар, пулимутлар келадир. Лекин, халқ қўрқиш даражасидан ўткан.

Ҳоким томонидан буйруқ:

— Торқолинґлар!

Халқ жавоб беради:

— Сен солдатларинґ ва пулимутларинґ билан кет, сўнґ биз торқаламиз!

Кўпда ўтмади, эллик мингдан ортиқ халққа қарши пулимутлар ва милтиқлардан отиш бошланди. Халқ бошда улганига қорамасдан пулимутни қўлґа келтиришґа уриниб кўришса-да, ундан ёнґир сингари ёґилиб турґон ўқлар халқни яқинґо келтирмади. Пичоқлар, милтиқ билан пулимутка қарши кураша олмади. Халқ енґилди. Ҳукумат енґди. Солдатлар, полиссиялар уларни орқасидан қувалаб бориб кўрґан жойида отди, кесди, кирқди, нимталади. Майдонда, кўчаларда йиґитлар, чоллар, успиринлар қонларґо буялиб ётадир.

Иккиқат хотинларнинґ қоринлари устида подшоҳ солдатларининґ найзаси санчилиб турадир. Буни тарих кўрмаґон!.. Йиқилґон ґудакларнинґ қизил лаблари қўкарґан. Ёш қизларнинґ кесилґон бошларидоґи қора сочлари юзлариґа ўралиб, уларнинґ бетларини қонхўрларнинґ кўзларидан соқлайдир. Ярадорларнинґ инґраґан товушлари яқинда оқиб шовуллаб турґон сувґа қўшилиб оқадир. Шаҳар қон ичида. Халқ қилар ишини билмайдир...»

Бугина эмас, унинг қаламига мансуб бошқа оташин, публицистик мақолаларда ҳам даврнинг қалтис муаммолари ўта зийраклик билан очиб ташланарди.

Лутфулла Олимийнинг кўп эмас, борйўғи элликдан ортиқ публицистик мақолалари ва турт-бештагина ҳикояси, қоларверса, ўнга яқин шеъри чоп этилган. Бу асарларнинг мазмун ва мундарижасига разм солсангиз, уларда кўтарилган муаммоларнинг долзарблиги ва муҳимлиги, тасвир кучининг ғўзаллиги бебаҳодир.

Лутфулла Олимий ана шундай йирик тарбиячи ва моҳир журналист эди. Қисмати отув билан якун топган инсоннинг 1930 йил, 9 апрелда терговчига берган суроғида унинг ҳақиқий қарашлари ўз аксини топган эди.

Чунончи, ўша кунги тергов жараёнида «Янги Фарғона» газетаси оммавий ишлар бўлимининг бошлиғи Ғулом Ғафуров кўргазмасида шундай дейилган эди: Олимий ўткир сиёсатдон. Унинг энг яқин кишилари А. Зоҳирий, Ёқуб Омон, Эркин Носир, Абдулла Раҳмат. Булар ва мен Қўқонда чойхонада ўтирганимизда Лутфулла айтган эди: «Ҳозирги пайтда бизга экиш учун бўғдой турганида пахта экиш неҳожат». Ана шундай кўргазмалар орқасида шўроларга қарши, унинг сиёсатини менсимаслик, деган нотўғри талқинлар билан у ўн йилга қамоқ жазосини олган эди. Ўн йиллик турма муддатини ўтаб келган журналист 1937 йилда яна миллатчи, шўроларга қарши, деган айбномалар асосида қамоққа олинади. Бу даврдаги суроқда олдинги жавоблар ёнига биргина янгилик — қуйидаги жавоб тиркалган эди: «Ҳақиқатан ҳам 1922 йилгача деҳқонлар пахта экишди, уни устириш билан шуғулланишди. Нон ўрнига кунжара еб улиб кетишди. Пахтанинг чигити — кунжараси одам ўлдирар экан. «Мана, яна дон ўрнига пахтачилик йўлидан кетяпмиз», деган гапни айтганман. Бу тўғри гап».

Бу жасорат янгиғ айтилган гап терговчи қалбига ўқдай қадалгани аниқ. Бунга изоҳнинг ҳожати йўқ. Журналистнинг ўша замон сиёсатини остин-устин қилишга қаратилган ички тўғёнлар тўла мақолалари ва терговдаги бундай дадил кўргазмалари уни ўз оёғидан йиқитди.

Исломжон ТУРСУНОВ,
тарих фанлари доктори,
Ҳайдарали УЗОҚОВ,
доцент.

1 (Ул табаррук инсон шу йилнинг бошида қазо қилдилар (Худо раҳмат қилсин!))

3

4

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ
1996 йил 21 март
Баҳор халқ байрами қутлови
"НАВРЎЗ"
катта шодиёна томошаси
Томоша соат 12.00 ва 15.00. да бошланади.
АЗИЗ БОЛАЛАР, СИЗЛАР УЧУН!
1996 йил 22 мартдан 31 мартгача
мактаб ўқувчиларининг
баҳорги таътил кунлари
ФУРҚАТ ЮНУСОВ
ўргатган йўлбарслари,
шунингдек маймунлар, айиқлар, кучуклар, туялар ва бошқа ҳайвонлар иштирокида ранг-баранг дастурли аттракцион
КАТТА ЦИРК ТОМОШАЛАРИ
Томоша соат 12.00 ва 15.00 да бошланади.
Жамоа буюртмалари қабул қилинади.
Мактаблар буюртмаси манзилга етказиб берилади.
Тел: 44-35-91, 44-29-04.

СПОРТ

СОҲИБҚИРОН ЧЎҚҚИСИ

• ***Ўзбекистон альпинистлари соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик тўйига муносиб совға ҳозирлашмоқда.***

Республика қояни забт этувчилар ва альпинистлар клуби директори Анатолий Шабановнинг таъкидлашича, забткорлар хайрли ишни ихтиёр этишган. Альпинистларимиз қозоқ, қирғиз қардошлар билан ҳамкорликда Олтойорти тизма тоғларини мўлжалга олишмоқда. Улар ҳали ўзлаштирилмаган янги чўққилардан бири — 6300 метр баландликдаги қояни забт этиб, унга Амир Темур номини беришмоқчи. Бу чўққи сари юриш ёз ойларида бошланади.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

• ***«Пахтакор» футболчилари мавсумга тайёргарликни Голландияда давом эттирадиган бўлишди.***

Бош мураббий Ханс Ферелнинг бу сафардан мақсади футболчиларимиз тайёргарлиги ва маҳоратини тобига етказиш. Дарвоқе, футболчиларимиз сафар олдидан Иркутскнинг «Звезда» жамоасини қабул қилиб, имкониятни бой беришди. Улар 1:2 ҳисобида ютқаздилар. Бу мағлубиятга балки, «Навбаҳор» жамоасига ўтмоқчи бўлиб турган Мақсудов, Микляев, Ширшов, Маъруфалиевларнинг майдонга тушмаганликлари сабаб бўлгандир.

Тошкентнинг МҲСК футболчилари эса Целиноградан келган меҳмонларни қабул қилиб, 7:1 ҳисобида йирик ғалабага эришдилар.

ДЎСТИМИЗ ХОТИРАСИ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли журналист, меҳнат фаолиятининг чорак асрини «Ўзбекистон овози» (аввалги «Совет Ўзбекистони») газетасига бағишлаган Тожибой Унабоев узоқ давом этган касалликдан сўнг вафот этди.

Тожибой Унабоев 1929 йилда Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги Хондайлиқ қишлоғида туғилди. Ўрта мактабни 1945 йилда битиргандан сўнг жамоа хўжалигида оддий деҳқон бўлиб ишлади. 1949 йилда Тошкент давлат педагогика институтини битиргандан сўнг Наманган вилоятининг Уйчи туманида ўқитувчилик қилди. Унинг журналистик фаолияти 1951 йилда Чирчиқ шаҳар газетаси таҳририятида бошланди. Шундан сўнг «Тошкент ҳақиқати», 1963 йилдан бошлаб эса «Совет Ўзбекистони» газеталари таҳририятида меҳнат қилди. У ўзининг журналистик фаолияти давомида кўплаб ўқишли мақолалар, фельетонлар ёзиб элга танилди. Тожибой Унабоев Ўзбекистон Олий Кенгаши Раёсатининг Фахрий Ёрлиғи билан икки бор тақдирланганди. Ёшларнинг меҳрибон мураббийси, ажойиб инсон, дилкаш дўстимиз хотираси уни яқиндан билганлар қалбида мангу сақланади.

БИР ГУРУҲ ҲАМКАСБЛАРИ.

Ўзбек феъли

ҲОЖИ ОТА

Урушдан аввалги йилларда маҳалламизда Ҳожи ота деган бўлардилар. Доимо озода кийиниб юрадиган, каттага ҳам, кичикка ҳам бирдек ширин муомилада бўладиган бу нуроний оқсоқолнинг асли исми нима эканлигини кўпчилик билмасди. Кимнинг бошида қандай ташвиши бор — ҳаммасидан хабардор эди у киши. Тўй-маъракаларга бош-қош ҳам шу киши эди.

Кўпчиликни ҳайратга соладиган қизиқ одатлари бор эди. Кимдир ёрдам ёки маслаҳат ўўраб мурожаат этса, қандай юмушлари бўлишидан қатъи назар, дарҳол уни тўхтатиб келган кишининг кўнглини олишга, ташвишларини енгиллатишга ошиқарди. Сўзлари майин, киши кўнглига малҳам эди . У киши билан бироз суҳбатлашган одам дарди енгиллашгандек сезарди ўзини.

Ҳовлиларидан салкам бир тегирмон сув оқиб ўтарди. Эшик олдилари, ҳовли саҳни ҳамиша сув сепилган, чиннидек бўларди. Ҳафсала билан парвариш топаётган райҳон-жамбуллар бу хонадонга алоҳида файз бахш этарди. Хуллас, юришту-ришлари, рўзғор тутишлари, кишилар билан муомаласи бу одамнинг қандай инсон эканлигини ҳеч бир таърифсиз шундоққина кўрсатиб турарди. Бирор нарсадан ёки бирор кимсадан нолиб гапирганларини кўрмаганмиз. Маҳалла аҳли ўртасида эътибори бениҳоя катта бўлган Ҳожи ота билан саломлашишни биз — ёшлар ўзимиз учун мукофот деб билардик.

Ёз келди дегунча ўша ариқнинг ҳовлиларидан қўшнинликка девор остидан ўтадиган жойига тўр симни жойлаштириб қўярдилар. Мақсад — дайди ит-мушук кириб, ҳовли юзасида қолган ашёларга, рўзғор буюмларига, гулларга тегинмасин. Шу тўр сим то кеч кузгача турарди. Ўша пайтда мевали дарахти бўлмаган хонадон топилмасди ҳисоби. Пишиқчилик бошланди дегунча ариқдан ўрик дейсизми, олма дейсизми ё шафтоли дейсизми оқиб келаверади. Ҳожи ота бомдод намозидан қайтгач, сим тўрга илиниб, тўпланиб қолган меваларни хас-чўплардан тозалаб, челакка солардилар. У кишининг одатларини билгани учун хонадондаги катта ёшдагилар у ёқда турсин ҳатто неваралар ҳам бу меваларга қўл чўзишмасди. Нонуштадан сўнг Ҳожи ота челакни кўтариб ўша ариқ ўтадиган хонадонларни мўлжаллаб йўлга тушарди. У киши кимнинг ҳовлисида қандай мевали дарахт борлигини яхши биларди. Ўйда туриб ҳам олма кимникидан, ёнғоқ қайси хонадондан оқиб келганлигини аниқ айтиб бера оларди. Мана Шоди новвойнинг хонадони. Эртаги оқ олма бу яқин ўртада фақат шу хонадонда бор. Ҳожи ота ярим очиқ дарвоза олдига келгач, бир йўталиб олдилар, сўнг ўша мулойим овозда:

— Ҳо ким бор, — деб сўрадилар. Ичкаридан эшитишмади, шекилли, ҳадеганда жавоб бўлмади. Ҳожи ота энди овозини бир парда кўтарадилар: — Мулла Шодивой, ҳо мулла Шодивой, бормисизлар?

Оёқ товуши келади. Бошини рўмол билан тангиб олган, чамаси тандирнинг тафтидек юзлари бўрсиб кетган Шоди новвой кўринади. Кўзи Ҳожи отага тушиши билан чеҳраси ёришиб кетади. Қуюқ салом-аликдан сўнг, Ҳожи ота нима мақсадда келганини билса-да, икки оғиз ширин сўзларини эшитиш ниятида савол назари билан у кишига тикилади.

— Шу десангиз, мулла Шодивой, — Ҳожи ота салмоқлаб сўз бошлайди, — бугун яна олмангиздан анчаси сувда бизникига оқиб борибди. Ҳаммасини тозалаб олиб келдим. Бу сизники, бировнинг ҳақи деган гап бор мусулмончиликда.

— Вой Ҳожи ота-ей, жаннати одамсиз-да, ахир неча бор айтаман, сувга тушгани элники деб. Яна овора бўлиб келганингизни қаранг. Ахир ҳар сафар айтаман, уринманг деб. Бир томони қўшни ҳақи деган гап бор. Ўзим олиб чиқиб беришим керак сизларга.

— Шундайку-я, лекин Шодивой рози-ризолик деган, иннайкейин луқмаи ҳалол деган гап бор халқимизда. Сиз билан биз, алҳамдулиллоҳ, мусулмонмиз...

— Бир эмас, минг бор ризоман...

Ҳожи ота кўнгли таскин топиб, яна йўлга тушадилар. Хўш, ўрик кимникидан, шафтоличи? Ўша хонадонларни топадилар. Яна юқоридаги савол-жавоблар қайтарилади. Пишиқчилик пайти худонинг берган куни шу ҳол такрорланарди. Ортиқча уриниб нима қиласиз, Ҳожи ота, бир эмас, минг бор розимиз, деб неча бор айтдик, дейишса, шундайликка шундай-а, лекин ўртада шайтон деган махлуқ бор, кеча айтган сўзингиздан бугун сизни қайтарган бўлсачи — бу менга қоронгу, деб жавоб қилардилар раҳматли. Ана шундан сўнг хонадонига мамнун ҳолда қайтиб келардилар. Хонтахта устидаги патнисга меваларни ағдарар экан дейдилар:

— Мана, болаларим, ҳалоллаб келдим, энди тортинмай есангизлар бўлади.

Неваралар ийманибгина қўл чўзишади. Маъсумахон — Ҳожи отанинг қизи меваларни алоҳида-алоҳида ликопчаларга солиб қўяди. Болаларга кечгача эрмак. Ҳар жума куни сим тўрга илинган меваларни Ҳожи ота масжидга олиб чиқадилар. Билмаганлар ҳайрон — бу турфа хил мевалар қайси боғдан келдийкин, деган хаёлларга борадилар.

— Худо берган, — дейди Ҳожи ота рўмолни ўртага ёзар экан. — Луқмаи ҳалол, тортинмасдан олаверинглар. Эгаларининг розилигини олганман...

Орадан бир одамнинг умрича вақт ўтди. Замонлар ўзгарди. Иссиқни ҳам, совуқни ҳам кўрдик. Бир бурда нон, бир сўм пул учун диёнатини ютганларни учратдик. Иймон-эътиқод сусайган даврларга гувоҳ бўлдик. Шукрки, бугунги кунларга етиб келдик. Мустақиллигимиз туфайли халқимиз ўзлигини англаяпти, иймон-эътиқод илдиз отяпти, туп қўйиб, палак ёзяпти. Халқимизнинг қадимий урф-одатлари, ҳислатлари ҳақида гап кетганида мен ҳамиша фаришта мисол Ҳожи отани эслайман, поклик, ҳалоллик, маънавий юксак баркамоллик тимсоли сифатида кўз ўнгимда намоён бўлади у. Ўзининг миллий ўзанига тушиб олаётган ўзбекнинг ўшандай Ҳожи оталари кўпайсин, улар миллатни саодатли, иноятли йўлга бошлайверсинлар.

Исмоил СУЛАЙМОНОВ.

"АКАТЭКС ТЕКСТИЛЬ САНОАТ ВА ТИЖОРАТ ЛТД"
қўшма корхонаси
тегирмон вальцларини ва 50 кг, 15 кг ун қопларини **СОТАДИ.**
Тўлов шакли: пул ўтказиш, нақд ва векселлар бўйича.
Телефонлар: 67-77-41, 67-23-74.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
«ЎЗБЕК-ТУРК АНАДЎЛИ МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ ВА ТУРИЗМ» ЛИЦЕЙИ
1996-97 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН 9-СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ЎҚУВЧИЛАРНИ ТАНЛОВ АСОСИДА
ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
ЎҚИШ МУДДАТИ — 4 ЙИЛ.
1-йил тайёрлов курсида ўзбек, турк ва инглиз тиллари чуқур ўргатилади. Кейинги 3 йилда 4 та мутахассислик тайёрланади:
1. Меҳмонхона хўжалиги бўйича маъмур.
2. Сервис-официантлик.
3. Таом тайёрлаш (меҳмонхонада ошпазлик).
4. Профессионал саёҳатбошчи-таржимон
2-курсдан кейин амалиёт ишлари Туркия давлатида 3 ой давомида ўтказилади.
Лицейга 9-синфни битирган ўғил ва қиз болалар апрель ойида бўладиган тест синовларидан сўнг суҳбат асосида қабул қилинадилар.
Лицейга кирган ўқувчилар стипендия, вилоятдан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.
Машғулотларни фанлар бўйича Туркия давлатидан келган ўқитувчи ва етакчи мутахассислар ҳамда республикамиз ўқитувчилари олиб борадилар.
Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар 1.04.96 йилгача қабул қилинади:
1. Туғилганлик ҳақида гувоҳнома.
2. Маълумоти ҳақидаги гувоҳнома (9-синфни тугатганлиги ҳақида).
3. 086-сонли соғлиғи ҳақидаги тиббий маълумотнома.
4. 3х4 ўлчамдаги фотосурат (8 дона).
5. Ота-онаси розилиги ҳақидаги ариза.
6. Хатжилд (конверт) 6 дона.
7. Ҳужжатлар учун йиғмажилд (папка).
ТЕСТ имтиҳонига киритилган фанлар:
1. Ўзбек тили ва адабиёти.
2. Математика
3. Физика
4. Химия
5. Тарих
6. География.
БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент, Юнус-Обод тумани 2-мавзе, Аҳмад Донош кўчаси 28-уй.
Телефонлар: 24-55-77, 24-87-29.
Автобуслар: 91, 92, 83, 72, 60, 51, 24. Трамвайлар: 25, 28, 29. Троллейбуслар: 25, 26.
«УНИВЕРСАМ» бекати.

ТАШКИЛОТ
пул ўтказиш йўли билан
Россияда чиқарилган: 208, 211, 214, 215, 218, 304, 305, 306, 307, 308, 310, 312, 314, 316, 60—203, 60—204, 60—205, 8212, 2318, 80204, 32310, 7510, 7608, 7609, 46312, 412, 7804, 7805, 00256706-подшипниклари, шунингдек Т-28х4/3х ва 4х ғилдиракли/тракторларни, Д-144, Д-243 двигателларини
СОТАДИ.
Ҳақ тулаш — пул ўтказиш йўли билан.
Мурожаат учун телефонлар: 48-43-20 ёки 34-12-61.

ЎзРФА И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти жамоаси катта илмий ходим, фалсафа фанлари номзоди **Арслон Қосимович ТАКСАНОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила эъзоларига таъзия изҳор этади.

Тошкент кимё технология институти «Амалий механика» кафедраси жамоаси шу кафедра лаборатория мудири, доцент Иброҳим Сафарбоевга падари бузруквори **Сафарбой ота БОЙЖОНОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс: 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Самарқандда -- 35-22-90;
Бухорода -- 3-54-87; Тошкентда-- 33-12-56;
Гулистонда -- 2-26-22; Урганчда -- 6-51-35;
Жиззахда -- 3-31-86; Фарғонада -- 26-37-16;
Навоийда -- 3-75-43; Қаршида -- 3-25-79;
Наманганда --6-43-43; Қумқўрғонда -- 5-26-24.
Нукусда -- 7-58-83;

Сотувда эркин нархда.
• *Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120*
• *Газета офсет усулида А—2 форматида 35497 нусхада босилди*
• *Ҳажми 2 босма табоқ*
• *Г — 0122*

Навбатчи муҳаррир Н. ЖАЛИЛ, навбатчи Ҳ. ЭРМАТОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. *Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00.* *1 2 3 4 5 6.*